# XOTIN-QIZLARNI KAMSITISHNING BARCHA SHAKLLARIGA BARHAM BERISH TO‘G‘RISIDAGI **KONVENSIYA**

(o‘zbek, qoraqalpoq, ingliz va rus tilida)

INSON HUQUQLARI BO‘YICHA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MARKAZI

“Inson huquqlari kutubxonasi”

# XOTIN-QIZLARNI KAMSITISHNING BARCHA SHAKLLARIGA BARHAM BERISH TO‘G‘RISIDAGI KONVENSIYA

## (O‘ZBEK, QORAQALPOQ, INGLIZ VA RUS TILIDA)

Toshkent – 2024

**Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish to‘g‘risidagi konvensiya (o‘zbek, qoraqalpoq, ingliz va rus tilida).** – T.: Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy markazi, 2024. – 108 b. (“Inson huquqlari kutubxonasi”)

***Mas’ul muharrir:*** akademik, yuridik fanlar doktori, professor A. Saidov

***Tuzuvchilar:*** yuridik fanlar doktori, professor M. Tillabayev, R. Arslonova, X. Abdurasulov

***Tarjimonlar:*** L. Ruzikulova *(o‘zbek tili)*, yuridik fanlar doktori, dotsent A. Gulimov *(qoraqalpoq tili)*

Ushbu nashr “Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish to‘g‘risidagi konvensiya”ning qabul qilinganiga 45 yil to‘lishi munosabati bilan chiqarildi.

1979-yilda BMT Bosh Assambleyasi tomonidan qabul qilingan ushbu Konvensiya gender tengligini ta’minlash va xotin-qizlarning fuqarolik, siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy hamda madaniy huquqlarini himoya qilishga qaratilgan xalqaro hujjatdir. 45 yilligida Konvensiyaning global ahamiyatini yoritish, xotin-qizlar huquqlarini mustahkamlash borasidagi sa’y-harakatlarni keng targ‘ib qilish maqsadida ushbu nashr o‘zbek, qoraqalpoq, ingliz va rus tillarida taqdim etilgan. Kitobda Konvensiya qoidalari, ularning amalga oshirilishi va gender tengligini ta’minlash yo‘lidagi yutuqlar haqida batafsil ma’lumotlar keltirilgan. Shuningdek, O‘zbekistonning Konvensiyani ratifikatsiya qilishdan boshlab gender siyosatini shakllantirish va amaliyotga tadbiq etishdagi muvaffaqiyatlari, milliy strategiyalari va xalqaro hamkorlikda erishgan natijalari alohida yoritilgan.

Mazkur nashr davlat idoralari rahbarlari, huquqshunoslar, tadqiqotchilar, talabalar, xalqaro tashkilotlar vakillari va barcha gender tengligi masalalariga qiziquvchilar uchun mo‘ljallangan.

© Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy markazi, 2024

# MUNDARIJA

Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish to‘g‘risidagi конvensiya ........................ 5

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ........ 23

Ҳаял-қызларды кемситиўдиң барлық түрлерин сапластырыў ҳаққындағы конвенция ............... 41

Hayal-qızlardı kemsitiwdiń barlıq túrlerin saplastırıw haqqındaǵı конvenciya .................................... 59

Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women .................................. 75

Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин ............................. 91

# XOTIN-QIZLARNI KAMSITISHNING BARCHA SHAKLLARIGA BARHAM BERISH TO‘G‘RISIDAGI KONVENSIYA

## KIRISH SOʻZI

1948-yilda Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi qabul qilinishi bilan unda e’tirof etilgan gender tengligi, ayollar huquqlarini belgilash va kafolatlash masalasiga bagʻishlangan xalqaro miqyosida hujjat tuzish haqidagi chaqiriqlar dunyoning turli minbarlaridan yangray boshladi.

1967-yilda Bosh Assambleya tomonidan Ayollarga nisbatan kamsitishlarga barham berish toʻgʻrisidagi deklaratsiya qabul qilinishi xotin-qizlar huquqlari toʻgʻrisidagi keng qamrovli xalqaro kelishuvni ishlab chiqishda birinchi qadam boʻldi.

Mazkur hujjat jins boʻyicha kamsitishni taqiqlovchi, shuningdek davlatlar uchun tavsiyaviy xarakterga ega boʻlsa-da, kutilgan natijani bermadi.

Xalqaro hamjamiyat tomonidan mazkur masalada global harakatlarga koʻmaklashuvchi hamda davlatlar zimmasiga alohida majburiyat yuklaydigan shartnoma qabul qilish zarurati paydo boʻldi. Xususan, 1975-yilda Mexiko shahrida oʻtkazilgan BMTning Ayollar holati boʻyicha Butunjahon konferentsiyasida “Ayollar oʻn yilligi” (1975–1985) e’lon qilindi. Konferentsiyada qabul qilingan qarorga muvofiq, Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish boʻyicha xalqaro konvensiyani ishlab chiqish rejalashtirildi. Mazkur hujjatning har bir bandi Bosh Assambleyaning Uchinchi qoʻmitasi va Ayollar holati boʻyicha komissiyasida uzoq muhokama qilindi, bu esa hujjat matnini tayyorlash jarayonini sezilarli darajada kechiktirdi.

Mas’ul shaxslar hujjat matnini tayyorlash ustida besh yil davomida ish olib bordilar. Nihoyat, BMT Bosh Assambleyasi 1979-yil 18-dekabrdagi 34/180-sonli rezolyutsiyasi bilan Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish toʻgʻrisidagi konvensiyani qabul qildi. Konvensiya yigirmata davlat tomonidan ratifikasiya qilinganidan soʻng, hujjat 1981-yil 3-sentyabrda kuchga kirdi. Shvesiya ushbu hujjatni imzolagan ilk davlat hisoblanadi. Bugungi kunga qadar Konvensiyani 189 mamlakat ratifikasiya qilgan. Konvensiya 1995-yil 18-avgustda Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tomonidan ratifikatsiya qilingan.

1979-yilda qabul qilingan BMTning Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish toʻgʻrisidagi konvensiyasi (yoki CEDAW Konvensiyasi) xotin-qizlarning fuqarolik, siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy huquqlariga bagʻishlangan xalqaro qonun sifatida e’tirof etilgan. Mazkur hujjat xalqaro hamjamiyatning xotin-qizlar huquqlari borasidagi yakdil qarashlarini ifoda etadi.

Ushbu Konvensiya BMTning inson huquqlari boʻyicha toʻqqizta asosiy Konvensiyalaridan biri hisoblanadi. Konvensiya 6 ta qism va 30 ta moddadan iborat. Uning dastlabki toʻrt qismi xotin-qizlar va erkaklarning qonun oldida teng huquqliligini kafolatlaydi. Ular xotin-qizlarning ijtimoiy munosabatlardagi huquqlarining buzilishiga qarshi kurashish, ularning siyosiy, yuridik va fuqarolik huquqlarini, shuningdek, ijtimoiy va iqtisodiy huquqlarini ta’minlash, ularning ta’lim olish, ishga joylashish va salomatligini

muhofaza qilishga, nikoh va oiladagi mavqeini mustahkamlashga qaratilgan. Beshinchi va oltinchi qismlar Konvensiyaning bajarilishini, uni amalga oshirish jarayonlarini, shuningdek, davlatlarning mas'uliyat va majburiyatlarini belgilash orqali Konvensiya hamda boshqa xalqaro va milliy qonunchilik oʻrtasidagi munosabatlarni tizimli tartibga solinishini nazorat qilish organi boʻlgan Qoʻmitani tashkil etishga bagʻishlanadi.

1981-yilda Xotin-qizlarni kamsitishga barham berish boʻyicha qoʻmitasi ta'sis etilgan. Qoʻmita faoliyati davomida Konvensiyaning asosiy moddalari ijrosini koʻrib chiqishi hamda ularning mazmuni va qoʻllanilishi boʻyicha tavsiyalar berishi mumkin. Ushbu tavsiyalar ishtirokchi-davlatlarga gender tenglikka erishish va xotin-qizlar huquqlarini ta'minlashga erishishga qaratilgan milliy qonunchilik manbalarini mustahkamlashga koʻmaklashadi.

Konvensiyaning asosiy prinsip va qoidalari Oʻzbekiston Respublikasi milliy qonunchiligida, shuningdek, 2023-yil aprel oyida umumxalq ovoz berish yoʻli bilan qabul qilingan Oʻzbekistonning yangi tahrirdagi Konstitusiyasida oʻz ifodasini topgan. Xususan, Konstitusiyaning 42 va 58-moddalarida ayollarning mehnat huquqlari buzilishini oldini olish, ular uchun munosib turmush va ish sharoitlarini yaratish hamda xotin-qizlarga jamiyatning barcha jabhalarida erkaklar bilan teng huquq va imkoniyatlar ta'minlanishi nazarda tutilgan.

Bugungi kunda xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini har tomonlama ta'minlash masalalariga oid 40 dan ziyod normativ-huquqiy hujjatlar, xususan, "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari toʻgʻrisida", "Xotin-qizlarni tazyiq va zoʻravonlikdan himoya qilish toʻgʻrisida" hamda "Fuqarolarning reproduktiv salomatligini saqlash toʻgʻrisida"gi yangi qonunlar qabul qilingan.

Shu bilan birga, mamlakatimizda Qoʻmitaning davriy ma'ruzalar yuzasidan tegishli tavsiyalarini amalga oshirishda alohida mexanizm yaratilgan boʻlib, bunda sohaga doir barcha ijroiya hokimiyat organlarining faol ishtiroki ta'minlangan. Birgina misol, 2022-yil 15–16-fevral kunlari Jenevada Qoʻmita Konvensiya qoidalarini bajarish yuzasidan Oʻzbekiston Respublikasining Oltinchi davriy ma'ruzasini koʻrib chiqdi. Koʻrib chiqish yakunlari boʻyicha Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining Qoʻshma qarori bilan BMT Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish qoʻmitasining yakuniy tavsiyalarini amalga oshirish yuzasidan 2022–2025-yillarga moʻljallangan Milliy harakatlar rejasi qabul qilindi. Milliy harakatlar rejasi 64 ta vazirlik, idora va tashkilotlar tomonidan navbatdagi hisobot davriga qadar ijrosi ta'minlanishi kerak boʻlgan 69 ta banddan iborat chora-tadbirlarni oʻz ichiga oladi.

Xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy hayotdagi ishtirokini kengaytirish va ularning davlat funktsiyalarini tartibga solishga qoʻshgan hissasini oshirish boʻyicha faol ishlar olib borilmoqda. Bugungi kunda xotin-qizlarning davlat boshqaruvidagi ulushi 2017-yildagi 27 %dan 35 %ga oshdi.

Oʻzbekiston tarixida ilk bor parlamentda xotin-qizlar soni tavsiya etilgan darajaga etib, qariyb 32 %ni tashkil etdi hamda dunyodagi 190 parlament orasida 37-oʻrinni egalladi. Xotin-qizlarning boshqaruv lavozimidagi ulushi 27 %, siyosiy partiyalarda – 44 %, oliy ta'limda – 40 %, tadbirkorlikda – 35 %ni tashkil etadi.

Hozirgi paytda Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputatlarining 33 %i, Senat a'zolarining 24 %i, Qoraqalpogʻiston Respublikasi Joʻqorgʻi Kengesi, xalq viloyatlar, Toshkent shahar va tuman (shahar) Kengashlari deputatlarining 25 %i ayollardan iborat.

Mintaqada xotin-qizlarni qoʻllab-quvvatlash maqsadida norasmiy mintaqaviy platforma sifatida 2020-yilning dekabr oyida Markaziy Osiyo mamlakatlari Etakchi ayollar muloqoti tashkil etildi. 2021-yilda Oʻzbekiston mazkur Muloqotga birinchi boʻlib raislik qildi.

Shuningdek, 2017–2021-yillarda Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishi boʻyicha Harakatlar strategiyasi, 2022–2026-yillarga moʻljallangan Yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasi, "Oʻzbekiston–2030" strategiyasi, Inson huquqlari boʻyicha Oʻzbekiston Respublikasining Milliy strategiyasi, 2030-yilga qadar Oʻzbekistonda gender tenglikka erishish strategiyasi, barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarning qabul qilinishi gender tenglikka erishish va xotin-qizlar huquqlarini kafolatlash borasida huquqiy asoslarni tubdan mustahkamladi.

Oʻzbekistonning gender tengligiga erishishdagi yutuqlari BMT, Parlamentlararo Ittifoq, Jahon banki tomonidan alohida e'tirof etilib, xalqaro indekslarda oʻz aksini topmoqda. Masalan, 2020-yilda Oʻzbekiston Ayollar, biznes va qonun indeksida xotin-qizlar huquqlarini himoya qilish va gender tenglik boʻyicha ahamiyatga molik islohotlarni amalga oshirgan 27 davlat qatoriga kiritildi.

Bundan tashqari, 2023-yilda Oʻzbekiston Ochiq gender ma'lumotlar indeksi boʻyicha 69,7 ball toʻplagan holda dunyodagi eng yaxshi 20 mamlakat orasidan joy oldi. 2024-yilda Oʻzbekiston Jahon bankining "Ayollar, biznes va qonun" reytingida huquqiy sohada gender tengligi boʻyicha ulkan yutuqlarga erishgan 5 mamlakat qatoriga kirdi.

BMTning Barqaror rivojlanish echimlari tarmogʻi (SDSN) va xalqaro ekspertlar tomonidan 2023-yilda shakllantirilgan BRM reytingi (SDG index) hisobotiga koʻra, Oʻzbekiston 166 mamlakat orasida 71,1 indeks bilan reytingidagi mavqei 8 pogʻonaga koʻtarilib 69-oʻrinni egalladi.

Joriy yil xalqaro hamjamiyat tomonidan Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish toʻgʻrisidagi konvensiya qabul qilinganining 45 yilligi keng nishonlanmoqda.

Shu munosabat bilan, mazkur sohadagi islohotlarni izchil davom ettirish maqsadida Inson huquqlari boʻyicha Oʻzbekiston Respublikasi Milliy markazi vazirlik, idora va tashkilotlar bilan hamkorlikda BMTning Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish toʻgʻrisidagi konvensiyasining 45 yilligini nishonlashga bagʻishlangan tadbirlar dasturini ishlab chiqdi.

Tadbirlar dasturi Oʻzbekiston Respublikasida Inson huquqlari sohasidagi Jahon ta'lim dasturining toʻrtinchi bosqichini amalga oshirish boʻyicha Milliy komissiyasi tomonidan muhokama qilindi va tasdiqlandi. Tadbirlar dasturida xalqaro, mintaqaviy va milliy tadbirlar oʻtkazish, inson huquqlari boʻyicha axborot-ma'rifiy hamda ta'lim-tarbiyaviy ishlarni takomillashtirish, shuningdek aholi, yoshlar va bolalar uchun darslik, qoʻllanma va boshqa adabiyotlarni tayyorlash kabi chora-tadbirlarni amalga oshirish koʻzda tutilgan.

Qoʻlingizdagi ushbu Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish toʻgʻrisidagi konvensiyaning toʻrt tilda (oʻzbek, qoraqalpoq, ingliz va rus) chop etilishida unda belgilangan xalqaro standartlar va xotin-qizlar huquqlariga bagʻishlangan qoidalarning asl mazmun-mohiyatini keng ommaga etkazish hamda ijtimoiy hayotga muntazam tadbiq etib borish maqsad qilingan.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, Oʻzbekiston inson huquqlari sohasidagi islohotlarni davom ettirish va bu boradagi harakatlarni milliy darajada keng miqyosda amalga oshirishni qoʻllab-quvvatlaydi. Bu esa, mamlakatda gender tenglikni ta'minlash va xotin-qizlar huquqlarini himoya qilish yoʻlidagi sa'y-harakatlarni yangi bosqichga olib chiqishga xizmat qiladi.

**Akmal Saidov,**
**akademik, yuridik fanlar doktori,**
**professor**

# XOTIN-QIZLARNI KAMSITISHNING BARCHA SHAKLLARIGA BARHAM BERISH TO'G'RISIDAGI KONVENSIYA

*Ushbu Konvensiyaning ishtirokchi-davlatlari:*

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Nizomi insonning asosiy huquqlariga, inson shaxsiyatining qadr-qimmati va qadriyatiga, erkak va xotin-qizlarning teng huquqligiga ishonchni yana qaror toptirganligini hisobga *olgan holda*,

Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi kamsitishga yo'l qo'ymaslik prinsipini tasdiqlaganini va barcha odamlar o'zining qadr-qimmati hamda huquqida erkin va teng bo'lib tug'ilishini, har bir inson unda e'tirof etilgan barcha huquq va erkinliklarga hech qanday farqlarsiz, shu jumladan, jinsga nisbatan ham ega bo'lishi kerakligini ma'lum qilganini *hisobga olib*,

Inson huquqlari to'g'risidagi xalqaro paktlarning ishtirokchi-davlatlariga erkak va xotin-qizlar uchun barcha iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy, fuqarolik va siyosiy huquqlardan teng foydalanish huquqini ta'minlash majburiyati yuklatilganligini *hisobga olib*,

erkak va xotin-qizlarning teng huquqli bo'lishiga yordam berish maqsadida Birlashgan Millatlar Tashkiloti va ixtisoslashtirilgan muassasalar shafeligida tuzilgan xalqaro konvensiyalarni *e'tiborga olib*,

shuningdek, erkak va xotin-qizlarning teng huquqli bo'lishiga yordam berish maqsadida Birlashgan Millatlar Tashkiloti va ixtisoslashtirilgan muassasalar tomonidan qabul qilingan rezolyutsiyalar, deklaratsiyalar va tavsiyanomalarni *hisobga olib*,

biroq, mana shu turli hujjatlarga qaramay, xotin-qizlarga nisbatan jiddiy kamsitilish hollari hali ham mavjudligidan *tashvishlanib*,

xotin-qizlarning kamsitilishi inson qadr-qimmatiga bo'lgan teng huquqlilik va hurmat qilish sabablarining buzilishiga, xotin-qizlarning erkaklar bilan bir qatorda o'z mamlakatining siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotida ishtirok etishiga to'sqinlik qilishini, jamiyat va oila farovonligining o'sishiga halaqit berishini hamda xotin-qizlarning o'z mamlakatlari va insoniyatning manfaatlari yo'lida imkoniyatlarini to'liq namoyon qilishini yanada qiyinlashtirishini *eslatib*,

qashshoqlik sharoitlarida xotin-qizlarning oziq-ovqat, sog'liqni saqlash, ta'lim, kasbiy tayyorgarlik va ishga joylashish imkoniyatlari, shuningdek boshqa ehtiyojlardan foydalanish imkoniyati juda kam ekanligidan *tashvishlanib*,

tenglik va adolatga asoslangan yangi xalqaro iqtisodiy tartibning o'rnatilishi erkaklar va xotin-qizlar o'rtasidagi tenglikni ta'minlashda sezilarli hissa qo'shishiga *qat'iy ishonib*,

irqiy ayirmachilik, barcha turdagi irqchilik, irqiy kamsitish, eski va yangi mustamlakachilik (kolonializm va neokolonializm), agressiya, xorijiy bosib olinish va hukmronlik hamda davlatlarning ichki ishlariga aralashishga barham berish erkaklar va xotin-qizlar huquqlarini to'la amalga oshirish uchun zarur *ekanligini ta'kidlab*,

xalqaro tinchlik va xavfsizlikni mustahkamlash, xalqaro keskinlikni yumshatish, ularning ijtimoiy va iqtisodiy tizimlaridan qat'i nazar, barcha davlatlar oʻrtasida oʻzaro hamkorlik, ommaviy va batamom qurolsizlanish, xususan, qat'iy va samarali xalqaro nazorat ostida yadroviy qurolsizlanish, mamlakatlar oʻrtasidagi munosabatlarda adolat, tenglik va oʻzaro manfaatdorlik tamoyillarini qaror toptirish hamda chet el va mustamlaka hukmronligi hamda xorijiy istilo ostida boʻlgan xalqlarning oʻz taqdirini oʻzi belgilash va mustaqillikka boʻlgan huquqini amalga oshirish, shuningdek davlatlarning milliy suvereniteti va hududiy yaxlitligini hurmat qilish ijtimoiy taraqqiyot va rivojlanishga koʻmaklashishini hamda buning natijasida erkaklar va xotin-qizlar oʻrtasida toʻliq tenglikka erishishga imkon berishini *tasdiqlab*,

mamlakatning toʻliq rivojlanishi, butun dunyoda farovonlik va tinchlik ishi xotin-qizlarning barcha sohalarda erkaklar bilan baravar mumkin qadar koʻproq ishtirokini talab qilishiga *qat'iy ishonib*,

xotin-qizlarning oila farovonligi va jamiyat rivojiga qoʻshayotgan hozirgacha toʻliq tan olinmagan hissasining ahamiyatini, onalikning ijtimoiy ahamiyatini hamda oilada va bola tarbiyasida ota-onaning oʻrnini hisobga olib, xotin-qizlarning nasl davomchisi sifatidagi oʻrni xotin-qizlar huquqlarining kamsitilishiga sabab boʻlmasligi kerakligini, chunki bolalarning tarbiyasi erkak va xotin-qizlarning hamda butun jamiyatning birgalikdagi javobgarligini talab qilishini *anglab*,

erkak va xotin-qizlar oʻrtasida toʻla tenglikka erishish uchun ham erkak, ham xotin-qizlarning jamiyat va oiladagi an'anaviy oʻrnini oʻzgartirish zarurligini *yodda tutib*,

Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish toʻgʻrisidagi deklaratsiyada e'lon qilingan tamoyillarni amalga oshirish va shu maqsadda bunday kamsitishlarning barcha shakllari va koʻrinishlariga barham berish uchun zarur choralarni koʻrishga qat'iy qaror *qilib*,

quyidagilar toʻgʻrisida *KELISHIB OLDILAR*:

## I QISM

### 1-modda

Mazkur Konvensiyaning maqsadi uchun "xotin-qizlarga nisbatan kamsitish" tushunchasi siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy, fuqarolik yoki har qanday boshqa sohada inson huquqlari va asosiy erkinliklariga erkak va xotin-qizlarning teng huquqliligi asosida xotin-qizlarning oilaviy ahvolidan qat'i nazar, ular tomonidan tan olish, foydalanish yoki amalga oshirishni boʻshashtirishga yoxud yoʻqqa chiqarishga yoʻnaltirilgan jinsiy belgilariga koʻra har qanday farq, istisno yoki cheklashni anglatadi.

### 2-modda

Ishtirokchi-davlatlar xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllarini qoralab, zudlik bilan barcha tegishli usullar orqali xotin-qizlarga nisbatan kamsitishga barham berish siyosatini olib borishga kelishadilar va shu maqsadda quyidagi majburiyatlarni oladilar:

a) erkaklar bilan xotin-qizlarning teng huquqliligi prinsipini, agarda bu hozirgacha qilingan boʻlmasa, milliy Konstitutsiyaga yoki boshqa tegishli qonunchilikka kiritish va qonun hamda boshqa tegishli vositalar yordamida ushbu prinsipni amaliyotga joriy etilishini ta'minlash;

b) xotin-qizlarga nisbatan har qanday kamsitishni taqiqlovchi tegishli qonunchilik va boshqa choralarni, jumladan, zarur boʻlganda sanksiyalarni qabul qilish;

c) vakolatli milliy sudlar va boshqa davlat muassasalarining yordami bilan xotin-qizlarni kamsitishning har qanday aktiga qarshi samarali himoya qilishni ta'minlash orqali xotin-qizlar huquqlarini erkaklar bilan tenglik asosida yuridik himoya qilish tartibini oʻrnatish;

d) xotin-qizlarga nisbatan kamsitadigan biron-bir hujjatlarni yoki xatti-harakatlarni amalga oshirishdan tiyilish hamda davlat organlari va muassasalari ushbu majburiyatga muvofiq ish koʻrishlariga kafolat berish;

e) biron-bir shaxs, tashkilot yoki korxona tomonidan xotin-qizlarni kamsitishga barham berish uchun barcha tegishli choralarni koʻrish;

f) xotin-qizlarga nisbatan kamsitishni ifodalaydigan amaldagi qonunlar, qarorlar, urf-odatlar va amaliyotni oʻzgartirish yoki bekor qilish uchun barcha tegishli choralarni, jumladan, qonunchilik choralarini koʻrish;

g) oʻzining jinoyat qonunchiligidagi xotin-qizlarga nisbatan kamsitishni ifodalaydigan barcha qoidalarini bekor qilish.

**3-modda**

Ishtirokchi-davlatlar barcha sohalarda, xususan, siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy sohalarda xotin-qizlarning erkaklar bilan tenglik asosida inson huquqlari va asosiy erkinliklarini roʻyobga chiqarishlari hamda foydalanishlarini kafolatlash maqsadida ularni har tomonlama rivojlanishini va taraqqiyotini ta'minlash uchun barcha tegishli choralarni, jumladan, qonunchilik choralarini koʻradilar.

**4-modda**

1. Mazkur Konvensiyada belgilanganidek, ishtirokchi-davlatlar tomonidan erkaklar va xotin-qizlar oʻrtasida amalda tengligini ta'minlashni tezlashtirishga yoʻnaltirilgan vaqtinchalik maxsus choralarni qabul qilish kamsituvchi deb hisoblanmaydi, biroq u aslo teng huquqli boʻlmagan yoki tabaqalashtirilgan andozalarning saqlanib qolishiga olib kelmasligi kerak; imkoniyatlar tengligi va teng huquqlilik munosabatining maqsadlariga erishilgandan soʻng bu choralar bekor qilinishi shart.

2. Ishtirokchi-davlatlar tomonidan onalikni himoya qilishga yoʻnaltirilgan maxsus choralar, jumladan, ushbu Konvensiyada mavjud boʻlgan choralarning qabul qilinishi kamsituvchi deb hisoblanmaydi.

**5-modda**

Ishtirokchi-davlatlar quyidagi maqsadlarda barcha tegishli choralarni qabul qiladilar:

a) erkaklar va xotin-qizlar xulq-atvorining ijtimoiy va madaniy modellarini jinslardan birining past boʻlishi yoki ustun boʻlishi yoxud erkak va ayol rolining bir xilligi gʻoyasiga asoslangan xurofotlarga barham berish hamda urf-odatlar va boshqa barcha amaliyotlarni tugatishga erishish maqsadida oʻzgartirish;

b) barcha holatlarda bolalar manfaatlari ustun turishi sharti bilan oilaviy tarbiya oʻz ichiga onalikni ijtimoiy vazifa sifatida toʻgʻri anglashni hamda erkak va xotin-qizlarning oʻz bolalarining tarbiyasi hamda kamoloti uchun umumiy javobgarligi e'tirof etilishini qamrab olishini ta'minlash.

**6-modda**

Ishtirokchi-davlatlar xotin-qizlar savdosi va xotin-qizlarni fohishalikka ekspluatatsiya qilishning barcha turlariga chek qoʻyish uchun barcha tegishli choralarni, jumladan, qonunchilik choralarini koʻradi.

## II QISM

**7-modda**

Ishtirokchi-davlatlar mamlakatning siyosiy va ijtimoiy hayotida xotin-qizlarga nisbatan kamsitishga barham berish yuzasidan barcha tegishli choralarni koʻradilar, xususan, xotin-qizlarga erkaklar bilan teng sharoitlarda quyidagi huquqlarni ta'minlaydilar:

a) barcha saylovlar va ommaviy referendumlarda ovoz berish hamda barcha ommaviy saylanadigan organlarga saylanish;

b) davlat siyosatini shakllantirish va amalga oshirishda ishtirok etish hamda davlat lavozimlarini egallash, shuningdek davlat boshqaruvining barcha darajalarida hamma davlat vazifalarini amalga oshirish;

c) mamlakat ijtimoiy va siyosiy hayotining muammolari bilan shugʻullanuvchi nohukumat tashkilotlar va uyushmalarning faoliyatida ishtirok etish.

**8-modda**

Ishtirokchi-davlatlar xotin-qizlarning erkaklar bilan tenglik asosida va hech qanday kamsitishsiz xalqaro miqyosda oʻz hukumatlari nomidan vakillik qilish hamda xalqaro tashkilotlar ishida ishtirok etish imkoniyatini ta'minlash uchun barcha tegishli choralarni koʻradi.

**9-modda**

1. Ishtirokchi-davlatlar fuqarolikni qabul qilish, oʻzgartirish yoki saqlab qolishga nisbatan xotin-qizlarga erkaklar bilan teng huquqlarni beradi. Ular, xususan, chet ellik bilan turmush qurganda ham, nikohda boʻlgan vaqtida turmush oʻrtogʻining fuqaroligi oʻzgarganida ham xotin-qizlarning fuqaroligi oʻz-oʻzidan oʻzgarishiga olib kelmasligini, uni fuqaroligi boʻlmagan shaxsga aylantirmasligini va turmush oʻrtogʻining fuqaroligini qabul qilishga majbur qilolmasligini ta'minlaydi.

2. Ishtirokchi-davlatlar xotin-qizlarga oʻz farzandlarining fuqaroligiga nisbatan erkaklar bilan teng huquqlar beradi.

## III QISM

**10-modda**

Ishtirokchi-davlatlar xotin-qizlarga nisbatan kamsitishga barham berish, xususan, erkaklar va xotin-qizlarning tengligi asosida ularga ta'lim sohasidagi erkaklar bilan teng huquqlarni ta'minlash uchun barcha zarur choralarni koʻradi:

a) shahar tumanlaridagi kabi qishloq joylarida ham barcha toifadagi oʻquv muassasalarida ta'lim olish imkoniga ega boʻlish va diplom olish, kasb yoki mutaxassislikni tanlash uchun bir xil sharoitlarni yaratish, bu tenglik maktabgacha ta'lim, umumta'lim, maxsus va oliy texnik ta'limda, shuningdek kasbiy tayyorgarlikning barcha turlarida ta'minlanadi;

b) bir xil oʻquv dasturlari, bir xil imtihonlar, bir xil malakali oʻqituvchilar tarkibi, teng sifatli maktab xonalari va jihozlaridan foydalanish;

c) ta'lim olishning barcha bosqichlari va shakllarida erkak va xotin-qizlarning birgalikda ta'lim olishi va ushbu maqsadga erishishga koʻmaklashadigan boshqa turdagi ta'lim olishni ragʻbatlantirish orqali, xususan, oʻquv qoʻllanmalari va maktab dasturlarini qayta koʻrib chiqish hamda oʻqitish uslublarini moslashtirish yoʻli bilan har qanday andozadagi konsepsiyani bartaraf etish;

d) ta'lim uchun stipendiya va boshqa nafaqalar olishda bir xil imkoniyatlar;

e) erkaklar va xotin-qizlarning bilimlaridagi har qanday uzilishni mumkin qadar tezroq qisqartirishga yoʻnaltirilgan, jumladan, katta yoshdagilar orasida savodxonlikni ommalashtirish dasturlari va funksional savodxonlik dasturini, xususan, ta'lim olishni davom ettirish dasturidan foydalanishning bir xil imkoniyatlari;

f) maktabni tugatmayotgan qizlar sonini qisqartirish hamda maktabni barvaqt tark etgan qizlar va ayollar uchun dasturlar ishlab chiqish;

g) sport va jismoniy tayyorgarlik mashgʻulotlarida faol qatnashish uchun bir xil imkoniyatlar;

h) oilalarning sogʻlomligi va farovonligini ta'minlashga koʻmaklashish maqsadida ta'lim xususiyatiga ega maxsus axborotlar, jumladan, oilaning katta-kichikligini rejalashtirish toʻgʻrisidagi axborot va maslahatlardan foydalanish imkoniyati.

**11-modda**

1. Ishtirokchi-davlatlar erkaklar va xotin-qizlarning tengligi asosida teng huquqlarni ta'minlash bilan bandlik sohasida xotin-qizlarga nisbatan kamsitishga barham berish uchun barcha tegishli choralarni koʻradi, xususan:

a) barcha odamlarning ajralmas huquqi sifatida mehnatga boʻlgan huquqi;

b) ishga yollanishda bir xil imkoniyatlarga ega boʻlish, shu bilan birga, ishga yollanishda bir xil tanlab olish mezonlarini qoʻllash huquqi;

c) kasb yoki ish turini erkin tanlash, lavozim boʻyicha koʻtarilish va bandlik kafolati, shuningdek shogirdlik, yuqori darajadagi kasbiy tayyorgarlik va muntazam qayta tayyorlashni oʻz ichiga olgan mehnat qilishning barcha imtiyozlari va shart-sharoitlaridan foydalanish, kasbiy tayyorgarlik va qayta tayyorgarlik olish huquqi;

d) imtiyozlar olgan holda teng mukofotlash, teng qiymatga ega boʻlgan mehnatga nisbatan teng sharoitlarga, shuningdek ish sifatini baholashga teng yondashish huquqi;

e) ijtimoiy ta'minotga boʻlgan huquqi, xususan, nafaqaga chiqish, ishsizlik, kasallik, nogironlik, qarilik va mehnat qobiliyatini yoʻqotishning boshqa holatlarida, shuningdek haq toʻlanadigan ta'tilga boʻlgan huquq;

f) sogʻliqni saqlash va xavfsiz mehnat sharoitlari, jumladan, naslni davom ettirish vazifasini saqlab qolishga boʻlgan huquqi.

2. Xotin-qizlarga nisbatan turmushga chiqqanligi yoki onaligi sababli kamsitishning oldini olish va ularga mehnat qilishga boʻlgan samarali huquqlarni kafolatlash uchun ishtirokchi-davlatlar quyidagilarni amalga oshirish uchun tegishli choralarni koʻradi:

a) homiladorligiga yoki homiladorlik va tugʻruq boʻyicha ta'tiliga asosan ishdan boʻshatish tahdidi ostida sanksiyalar qoʻllashni yoxud ishdan boʻshatish paytida oilaviy ahvoli tufayli kamsitishni taqiqlash;

b) avvalgi ish joyini, lavozimini yoki ijtimoiy nafaqalarini yoʻqotmagan holda homiladorlik va tugʻruq boʻyicha haq toʻlanadigan taʼtillar yoki taqqoslama ijtimoiy nafaqalar toʻlanadigan taʼtillar joriy etish;

c) ota-onalarga oilaviy majburiyatlarini bajarishni mehnat faoliyati va jamiyat hayotidagi ishtiroki bilan birga qoʻshib olib borish imkonini yaratish uchun, jumladan, bolalarni tarbiya qilish muassasalari tarmogʻini tashkil etish va kengaytirish yoʻli orqali zarur qoʻshimcha ijtimoiy xizmatlarni taqdim etishni ragʻbatlantirish;

d) homiladorlik davrida xotin-qizlar salomatligi uchun zararli deb isbotlangan mehnat turlarida ularning alohida himoyasini taʼminlash.

3. Mazkur moddada nazarda tutilgan huquqlarni himoya qilishga taalluqli qonunchilik ilmiy-texnikaviy bilimlar asosida vaqti-vaqti bilan koʻrib chiqiladi, shuningdek zaruratga qarab qaytadan koʻrib chiqiladi, bekor qilinadi yoki kengaytiriladi.

**12-modda**

1. Ishtirokchi-davlatlar erkaklar va xotin-qizlarning tengligi asosida tibbiy xizmatdan, xususan, oilaning katta-kichikligini rejalashtirishga taalluqli masalalarda ham foydalanishini taʼminlash maqsadida sogʻliqni saqlash sohasida xotin-qizlarga nisbatan kamsitishga barham berish uchun barcha tegishli choralarni koʻradi;

2. Ishtirokchi-davlatlar ushbu moddaning 1-bandi qoidalaridan qatʼi nazar xotin-qizlarni homiladorlik, tugʻruq va tugʻruqdan keyingi davrida tegishli xizmatlarni, zaruriyat tugʻilganda, bepul xizmatlarni, shuningdek homiladorlik va emizikli davrda kerakli oziq-ovqatlarni yetkazib berishni taʼminlaydilar.

**13-modda**

Ishtirokchi-davlatlar erkak va xotin-qizlarning tengligi asosida teng huquqlarni taʼminlash maqsadida ijtimoiy va iqtisodiy hayotning boshqa sohalarida xotin-qizlarga nisbatan kamsitishga barham berish uchun barcha tegishli choralarni koʻradi, xususan:

a) oilaviy nafaqaga boʻlgan huquqi;

b) zayom, koʻchmas mulk hisobiga qarz va boshqa shakldagi moliyaviy kreditlarni olishga boʻlgan huquqi;

c) dam olish bilan bogʻliq tadbirlarda, sport mashgʻulotlarida va madaniy hayotning barcha sohalarida ishtirok etish huquqi.

**14-modda**

1. Ishtirokchi-davlatlar qishloq joylarda yashovchi xotin-qizlar duch keladigan alohida muammolarni va ularning oʻz oilalarining iqtisodiy farovonligini taʼminlashda muhim rol oʻynashini, shu jumladan, ularning xoʻjalikning tovar boʻlmagan tarmoqlaridagi faoliyatini eʼtiborga olib, mazkur Konvensiya qoidalarini qishloq joylarida yashovchi xotin-qizlarga nisbatan qoʻllashni taʼminlash uchun barcha tegishli choralarni koʻradi.

2. Ishtirokchi-davlatlar erkak va xotin-qizlarning tengligi asosida ularning qishloq hududlarini rivojlantirishdagi ishtirokini taʼminlash va bunday rivojlanishdan foyda olishini taʼminlash maqsadida qishloq joylaridagi xotin-qizlarga nisbatan kamsitishga barham berish uchun barcha tegishli choralarni koʻradi, jumladan, bunday xotin-qizlarga quyidagi huquqlarni taʼminlaydilar:

a) barcha darajalarda rivojlanish rejalarini ishlab chiqish va amalga oshirishda ishtirok etish;

b) oilaning katta-kichikligini rejalashtirish masalalari boʻyicha axborotlar, maslahatlar va xizmatlarni inobatga olgan holda tegishli tibbiy xizmatdan foydalanish;

c) ijtimoiy sugʻurta dasturlari qulayliklaridan bevosita foydalanish;

d) funksional savodxonlikni inobatga olib barcha turdagi tayyorlov hamda rasmiy va norasmiy ta'lim olish, shuningdek ularning texnikaviy darajasini oshirish uchun barcha turdagi jamoat xizmatlaridan, qishloq xoʻjalik masalalari boʻyicha maslahat berish xizmatidan foydalanish;

e) ishga yollash yoki mustaqil mehnat faoliyati orqali iqtisodiy imkoniyatlardan teng foydalanishni ta'minlash uchun oʻz-oʻziga yordam koʻrsatish guruhlari va shirkatlarni tashkil etish;

f) jamoa faoliyatining barcha turlarida ishtirok etish;

g) qishloq xoʻjalik kreditlari va zayomlari, sotish tizimi, tegishli texnologiyalari hamda yer va agrar islohotlarida, shuningdek yerlarni qayta joylashtirish rejalarida teng maqomga erishishga ega boʻlish;

h) tegishli turmush sharoitlaridan, ayniqsa, uy-joy sharoitlaridan, sanitariya xizmatlaridan, elektr va suv ta'minotidan, shuningdek transport va aloqa vositalaridan foydalanish.

## IV QISM

### 15-modda

1. Ishtirokchi-davlatlar xotin-qizlarning qonun oldida erkaklar bilan tengligini tan oladilar.

2. Ishtirokchi-davlatlar xotin-qizlarga erkaklar bilan bir xil fuqarolik huquqlarini va uni amalga oshirishning bir xil imkoniyatlarini beradi. Ular, xususan, shartnomalarni tuzish va mulkni boshqarishda ularga teng huquqlar, shuningdek sudlar va tribunallarda ish koʻrishning barcha bosqichlarida ularga teng munosabatni ta'minlaydi.

3. Ishtirokchi-davlatlar xotin-qizlarning huquqiy egaligini cheklashda oʻzining huquqiy oqibatiga ega har qanday barcha shartnomalar va boshqa barcha xususiy hujjatlarni haqiqiy emas deb hisoblaydilar.

4. Ishtirokchi-davlatlar shaxslarning koʻchib yurishi hamda yashash joyi va turar joyini tanlash erkinligiga taalluqli boʻlgan qonunchilikka nisbatan erkak va xotin-qizlarga bir xil huquqlarni taqdim etadi.

### 16-modda

1. Ishtirokchi-davlatlar xotin-qizlarga nisbatan nikoh va oila munosabatlariga taalluqli barcha masalalarda kamsitishga barham berish uchun barcha tegishli choralarni koʻradi, xususan, erkak va xotin-qizlarning tengligi asosida quyidagilarni ta'minlaydi:

a) nikohga kirishishda boʻlgan bir xil huquqlar;

b) turmush oʻrtogʻini erkin tanlash hamda faqatgina oʻzining erkin va toʻliq roziligi bilan nikohga kirishishda boʻlgan bir xil huquqlar;

c) nikoh davrida va uni bekor qilishda bir xil huquq va burchlar;

d) oilaviy sharoitidan qat'i nazar, bolalarga taalluqli boʻlgan masalalarda erkak va xotin-qizlarning ota-ona sifatida bir xil huquq va majburiyatlari; barcha vaziyatlarda bolalarning manfaati ustun turadi;

e) bolalar soni va ularning tugʻilishi oʻrtasidagi oraliq toʻgʻrisidagi masalani erkin va mas'uliyatli hal qilishda bir xil huquqlar hamda axborot, ta'lim olish imkoni, shuningdek ushbu huquqlarni amalga oshirishga imkon beradigan vositalarga ega boʻlish;

f) bolalarning vasiylari, homiylari, vakillari va farzandlikka oluvchilari boʻlishda yoki milliy qonunchilikda koʻzda tutilgan shunga oʻxshash vazifalarni amalga oshirishda bir xil huquq va majburiyatlari; barcha vaziyatlarda bolalarning manfaati ustun turadi;

g) er va xotinning bir xil shaxsiy huquqlari, shu jumladan, ism-sharifini, kasb va mashgʻulotni tanlash huquqi;

h) er-xotinning mol-mulkka ham bepul, ham pullik egalik qilish, sotib olish, boshqarish, foydalanish va tasarruf qilishga nisbatan bir xil huquqlari.

2. Bolani unashtirish va nikohlash yuridik kuchga emas hamda nikohdan oʻtishning eng quyi yoshini aniqlash va nikohlarni fuqarolik holati dalolatnomalarida majburiy qayd etish maqsadida barcha zarur choralar, jumladan, qonunchilik choralari koʻriladi.

## V QISM

### 17-modda

1. Mazkur Konvensiyaning amalga oshirilish jarayonini koʻrib chiqish uchun Konvensiya kuchga kirgan vaqtda oʻn sakkiztadan, u ratifikatsiya qilinganidan yoki unga oʻttiz beshinchi ishtirokchi-davlat qoʻshilganidan soʻng esa ushbu Konvensiya sohasini mukammal biladigan yuqori axloqiy sifatlarga va yetuk ma'lumotlarga ega boʻlgan yigirma uchta ekspertdan iborat Xotin-qizlarni kamsitishga barham berish boʻyicha qoʻmitasi ta'sis etiladi (keyingi oʻrinlarda – Qoʻmita deb ataladi). Bu ekspertlar ishtirokchi-davlatlar tomonidan oʻz fuqarolari ichidan saylanadilar va xususiy shaxs sifatida ish yuritadilar, bunda adolatli geografik taqsimot va sivilizatsiyaning har xil shakldagi, shuningdek asosiy huquqiy tizimlar vakillari hisobga olinadi.

2. Qoʻmita a'zolari ishtirokchi-davlatlar tomonidan koʻrsatilgan roʻyxatga kiritilgan shaxslar orasidan yashirin ovoz berish yoʻli bilan saylanadi. Har bir ishtirokchi-davlat oʻzining fuqarolari orasidan bitta shaxsni taklif qilishi mumkin.

3. Mazkur Konvensiyaning kuchga kirgan kunidan boshlab olti oydan soʻng birlamchi saylovlar oʻtkaziladi. Har bir saylov oʻtkazilishidan kamida uch oy oldin Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibi ishtirokchi-davlatlarga ikki oy ichida oʻz vakillarini koʻrsatish taklifi bilan xat yoʻllaydi. Bosh kotib ishtirokchi-davlatlarning koʻrsatmasi bilan shunday tarzda kiritilgan barcha shaxslarning roʻyxatini alifbo tartibida tayyorlaydi hamda bu roʻyxatni ishtirokchi-davlatlarga taqdim etadi.

4. Qoʻmita a'zolari Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibi tomonidan chaqiriladigan va BMT Markaziy muassasalarida oʻtkaziladigan ishtirokchi-davlatlar yigʻilishida saylanadilar. Ishtirokchi-davlatlarning soni uchdan ikki qismni tashkil etadigan bu yigʻilishda Qoʻmitaga saylangan shaxslar ovoz berishda qatnashadigan va ishtirok etadigan ishtirokchi-davlatlar vakillarining eng koʻp va mutlaq koʻp ovozini olgan nomzodlar hisoblanadi.

5. Qoʻmita a'zolari toʻrt yil muddatga saylanadilar. Biroq birinchi saylovda saylangan toʻqqiz a'zoning vakolat muddati ikki yil oʻtishi bilan tugaydi; birinchi saylovlar oʻtkazilishi bilan bu toʻqqiz a'zoning familiyasi Qoʻmita raisi tomonidan qur'a tashlash orqali tanlanadi.

6. Qoʻmitaning besh nafar qoʻshimcha a'zosini saylash oʻttiz beshinchi davlatning Konvensiyani ratifikatsiya qilganidan keyin yoki unga qoʻshilganidan keyin mazkur moddaning 2, 3 va 4-bandlari qoidalariga muvofiq amalga oshiriladi. Shu tarzda saylangan ikki nafar qoʻshimcha a'zoning vakolat muddati ikki yil oʻtishi bilan tugaydi; bu ikki nafar qoʻshimcha a'zoning familiyasi Qoʻmita raisi tomonidan qur'a tashlash orqali tanlanadi.

7. Ishtirokchi-davlat koʻzda tutilmagan boʻsh oʻrinlarni toʻldirish uchun Qoʻmita a'zosi sifatida oʻz vazifasini tugatgan ekspertning oʻrniga Qoʻmita ma'qullagan taqdirdagina oʻz fuqarolari orasidan boshqa ekspertni tayinlaydi.

8. Qoʻmita a'zolari Bosh Assambleya tomonidan tasdiqlangan mukofotlarni Qoʻmita vazifasining muhimligini hisobga olgan holda Assambleya tomonidan belgilangan tartib va shartlarda Birlashgan Millatlar Tashkilotining mablagʻlaridan oladi.

9. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibi mazkur Konvensiyaga muvofiq Qoʻmitaning vazifalari samarali amalga oshirilishi uchun zarur xodim va moddiy mablagʻlar bilan ta'minlaydi.

**18-modda**

1. Ishtirokchi-davlatlar ushbu Konvensiyaniig qoidalarini bajarish uchun qabul qilingan qonunchilik, sud, ma'muriy yoki boshqa chora-tadbirlar toʻgʻrisidagi va bu borada erishilgan yutuqlar haqidagi ma'ruzalarni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh kotibiga Qoʻmita tomonidan koʻrib chiqilishi uchun taqdim etish majburiyatini oladilar:

a) manfaatdor davlat uchun mazkur Konvensiyaniig kuchga kirgan kunidan e'tiboran bir yil ichida;

b) shundan soʻng, hech boʻlmaganda har toʻrt yilda va soʻngra, qachonki, Qoʻmita bu haqda rasmiy ravishda soʻraganda.

2. Ma'ruzalarda mazkur Konvensiya boʻyicha majburiyatlarni bajarish darajasiga ta'sir koʻrsatadigan omillar va qiyinchiliklar koʻrsatilishi mumkin.

**19-modda**

1. Qoʻmita oʻzining shaxsiy bajaradigan ishlar tartibi qoidalarini tasdiqlaydi.

2. Qoʻmita ikki yil muddatga oʻzining mansabdor shaxslarini saylaydi.

**20-modda**

1. Qoʻmita ushbu Konvensiyaning 18-moddasiga muvofiq taqdim etilgan ma'ruzalarni koʻrib chiqish maqsadida, qoidaga koʻra ikki haftadan oshmaydigan davr mobaynida har yili majlis oʻtkazadi.

2. Qoʻmitaning yigʻilishlari qoidaga koʻra Birlashgan Millatlar Tashkilotining Markaziy muassasalarida yoki Qoʻmita tomonidan belgilanadigan boshqa istalgan qulay joyda oʻtkaziladi.

**21-modda**

1. Qoʻmita har yili Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasiga Iqtisodiy va Ijtimoiy Kengash orqali oʻzining faoliyati toʻgʻrisidagi ma'ruzasini taqdim etadi hamda ishtirokchi-davlatlardan olingan ma'ruza va axborotlarni oʻrganishga asoslangan umumiy xususiyatga ega taklif va tavsiyanomalarni kiritishi mumkin. Umumiy xususiyatga ega bunday taklif va tavsiyanomalar ishtirokchi-davlatlarning fikrlari bilan bir qatorda, agar ular mavjud boʻlsa, Qoʻmitaning ma'ruzasiga kiritiladi.

2. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibi Qo‘mita ma’ruzalarini Xotin-qizlarning ahvoli bo‘yicha komissiyasiga axborot uchun yuboradi.

**22-modda**

Ixtisoslashtirilgan muassasalar o‘zlarining faoliyat doirasiga kiradigan ushbu Konvensiyaning bunday qoidalarini amalga oshirish haqidagi masalalarni ko‘rib chiqishda vakillik qilish huquqiga ega. Qo‘mita ixtisoslashtirilgan muassasalarga ularning faoliyati doirasiga kiradigan sohalarda Konvensiyani amalga oshirish haqidagi ma’ruzalarni taqdim etishni taklif qilishi mumkin.

## VI QISM

**23-modda**

Ushbu Konvensiyada hech bir narsa erkak va xotin-qizlar o‘rtasidagi teng huquqlikka erishishga ko‘maklashuvchi quyida mavjud bo‘lgan qoidalarga dahl qilmaydi:

a) ishtirokchi-davlatlarning qonunchiligida; yoki,

b) shunday davlat uchun kuchga ega bo‘lgan har qanday boshqa xalqaro konvensiya, shartnoma yoki bitimda.

**24-modda**

Ishtirokchi-davlatlar mazkur Konvensiyada tan olingan huquqlarning to‘liq amalga oshirilishiga erishish uchun milliy darajada barcha zarur choralarni ko‘rish majburiyatini oladilar.

**25-modda**

1. Mazkur Konvensiya barcha davlatlar tomonidan imzolanishi uchun ochiqdir.

2. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibi mazkur Konvensiyaning depozitariysi etib tayinlanadi.

3. Mazkur Konvensiya ratifikatsiya qilinishi lozim. Ratifikatsiya yorliqlari Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibiga saqlash uchun topshiriladi.

4. Mazkur Konvensiya barcha davlatlarning qo‘shilishi uchun ochiqdir. Qo‘shilish Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh kotibiga qo‘shilish to‘g‘risidagi hujjatni saqlash uchun topshirish orqali amalga oshiriladi.

**26-modda**

1. Mazkur Konvensiyani qayta ko‘rib chiqish to‘g‘risidagi iltimosnoma Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibi nomiga har qanday ishtirokchi-davlatlardan birining istalgan vaqtda yozma ravishdagi xabar orqali taqdim etilishi mumkin.

2. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh Assambleyasi, agar u qandaydir choralar ko‘rish zarurligini e’tirof etsa, bunday iltimosnomaga nisbatan aynan qanday choralar ko‘rish zarurligi to‘g‘risida qaror qabul qiladi.

**27-modda**

1. Ushbu Konvensiya yigirmanchi ratifikatsiya yorlig‘i yoki qo‘shilish to‘g‘risidagi hujjatlar Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibiga saqlash uchun topshirilganidan so‘ng o‘ttizinchi kundan kuchga kiradi.

2. Mazkur Konvensiyani ratifikatsiya qiladigan yoxud yigirmanchi ratifikatsiya yorligʻi yoki unga qoʻshilish toʻgʻrisidagi hujjat saqlash uchun topshirilgandan keyin unga qoʻshiladigan har bir davlat uchun ushbu Konvensiyaning ratifikatsiya yorligʻi yoki qoʻshilish toʻgʻrisidagi hujjat saqlash uchun topshirilganidan soʻng oʻttizinchi kundan kuchga kiradi.

**28-modda**

1. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibi ratifikatsiya qilish yoki qoʻshilish paytida davlatlar tomonidan qilingan qoʻshimcha shartlarning matnini qabul qiladi hamda barcha davlatlarga tarqatadi.

2. Mazkur Konvensiyaning maqsad va vazifalariga toʻgʻri kelmaydigan qoʻshimcha shartlar kiritilmaydi.

3. Qoʻshimcha shartlar istalgan vaqtda Bosh kotib nomiga yuborilgan tegishli bildirishnoma orqali bekor qilinishi mumkin, keyin esa u bu haqda barcha ishtirokchi-davlatlarni xabardor qiladi. Bunday bildirishnoma u olingan kundan boshlab kuchga kiradi.

**29-modda**

1. Mazkur Konvensiyani talqin etish yoki qoʻllashga nisbatan ikki yoki bir nechta ishtirokchi-davlatlar oʻrtasida muzokaralar yoʻli bilan hal etilmagan har qanday bahs tomonlardan birining iltimosiga binoan hakamlik muhokamasiga yuboriladi. Agar hakamlik muhokamasi haqida ariza berilgan paytdan boshlab olti oy mobaynida tomonlar hakamlik muhokamasini tashkil etishga nisbatan kelishuvga erisholmagan boʻlsa, tomonlardan biri ushbu bahsni Sud Nizomiga muvofiq tegishli ariza berish yoʻli bilan Xalqaro sudga topshirishi mumkin.

2. Har bir ishtirokchi-davlat mazkur Konvensiyani imzolash, ratifikatsiya qilish yoki qoʻshilish paytida ushbu moddaning 1-bandida koʻrsatilgan majburiyatlar bilan oʻzini bogʻliq deb hisoblamasligini bildirishi mumkin. Boshqa ishtirokchi-davlatlar shunga oʻxshash qoʻshimcha shartni qoʻygan har qanday ishtirokchi-davlatga nisbatan ushbu moddaning koʻrsatilgan bandidan kelib chiqadigan majburiyatlarni olmaydi.

3. Mazkur moddaning 2-bandiga muvofiq qoʻshimcha shartlarni qoʻygan har qanday ishtirokchi-davlat istagan vaqtda Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibiga bildirishnoma yoʻllash orqali oʻz qoʻshimcha shartlarini olib tashlashi mumkin.

**30-modda**

Mazkur Konvensiyaning rus, ingliz, arab, ispan, xitoy, va fransuz tillaridagi matnlari aynan bir xil boʻlib, Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh kotibiga saqlash uchun topshiriladi.

Vakolatga ega boʻlgan quyida imzo chekuvchilar mazkur Konvensiyani tasdiqlash uchun imzoladilar.

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

# КИРИШ СЎЗИ

1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилиниши билан унда эътироф этилган гендер тенглиги, аёллар ҳуқуқларини белгилаш ва кафолатлаш масаласига бағишланган халқаро миқёсида ҳужжат тузиш ҳақидаги чақириқлар дунёнинг турли минбарларидан янграй бошлади.

1967 йилда Бош Ассамблея томонидан Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларация қабул қилиниши хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисидаги кенг қамровли халқаро келишувни ишлаб чиқишда биринчи қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат жинс бўйича камситишни тақиқловчи, шунингдек давлатлар учун тавсиявий характерга эга бўлса-да, кутилган натижани бермади.

Халқаро ҳамжамият томонидан мазкур масалада глобал ҳаракатларга кўмаклашувчи ҳамда давлатлар зиммасига алоҳида мажбурият юклайдиган шартнома қабул қилиш зарурати пайдо бўлди. Хусусан, 1975 йилда Мехико шаҳрида ўтказилган БМТнинг Аёллар ҳолати бўйича Бутунжаҳон конференциясида “Аёллар ўн йиллиги” (1975–1985) эълон қилинди. Конференцияда қабул қилинган қарорга мувофиқ, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш режалаштирилди. Мазкур ҳужжатнинг ҳар бир банди Бош Ассамблеянинг Учинчи қўмитаси ва Аёллар ҳолати бўйича комиссиясида узоқ муҳокама қилинди, бу эса ҳужжат матнини тайёрлаш жараёнини сезиларли даражада кечиктирди.

Масъул шахслар ҳужжат матнини тайёрлаш устида беш йил давомида иш олиб бердилар. Ниҳоят, БМТ Бош Ассамблеяси 1979 йил 18 декабрдаги 34/180-сонли резолюцияси билан Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди. Конвенция йигирмата давлат томонидан ратификация қилинганидан сўнг, ҳужжат 1981 йил 3 сентябрда кучга кирди. Швеция ушбу ҳужжатни имзолаган илк давлат ҳисобланади. Бугунги кунга қадар Конвенцияни 189 мамлакат ратификация қилган. Конвенция 1995 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган.

1979 йилда қабул қилинган БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (ёки CEDAW Конвенцияси) хотин-қизларнинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларига бағишланган халқаро қонун сифатида эътироф этилган. Мазкур ҳужжат халқаро ҳамжамиятнинг хотин-қизлар ҳуқуқлари борасидаги якдил қарашларини ифода этади.

Ушбу Конвенция БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тўққизта асосий Конвенцияларидан бири ҳисобланади. Конвенция 6 та қисм ва 30 та моддадан иборат. Унинг дастлабки тўрт қисми хотин-қизлар ва эркакларнинг қонун олдида тенг

ҳуқуқлилигини кафолатлайди. Улар хотин-қизларнинг ижтимоий муносабатлардаги ҳуқуқларининг бузилишига қарши курашиш, уларнинг сиёсий, юридик ва фуқаролик ҳуқуқларини, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг таълим олиш, ишга жойлашиш ва саломатлигини муҳофаза қилишга, никоҳ ва оиладаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган. Бешинчи ва олтинчи қисмлар Конвенциянинг бажарилишини, уни амалга ошириш жараёнларини, шунингдек, давлатларнинг масъулият ва мажбуриятларини белгилаш орқали Конвенция ҳамда бошқа халқаро ва миллий қонунчилик ўртасидаги муносабатларни тизимли тартибга солинишини назорат қилиш органи бўлган Қўмитани ташкил этишга бағишланади.

1981 йилда Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича қўмитаси таъсис этилган. Қўмита фаолияти давомида Конвенциянинг асосий моддалари ижросини кўриб чиқиши ҳамда уларнинг мазмуни ва қўлланилиши бўйича тавсиялар бериши мумкин. Ушбу тавсиялар иштирокчи-давлатларга гендер тенгликка эришиш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашга эришишга қаратилган миллий қонунчилик манбаларини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Конвенциянинг асосий принцип ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида, шунингдек, 2023 йил апрель ойида умумхалқ овоз бериш йўли билан қабул қилинган Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясида ўз ифодасини топган. Хусусан, Конституциянинг 42 ва 58-моддаларида аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш, улар учун муносиб турмуш ва иш шароитларини яратиш ҳамда хотин-қизларга жамиятнинг барча жабҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланиши назарда тутилган.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масалаларига оид 40 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги янги қонунлар қабул қилинган.

Шу билан бирга, мамлакатимизда Қўмитанинг даврий маърузалар юзасидан тегишли тавсияларини амалга оширишда алоҳида механизм яратилган бўлиб, бунда соҳага доир барча ижроия ҳокимият органларининг фаол иштироки таъминланган. Биргина мисол, 2022 йил 15–16 февраль кунлари Женевада Қўмита Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузасини кўриб чиқди. Кўриб чиқиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Қўшма қарори билан БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022–2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Миллий ҳаракатлар режаси 64 та вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан навбатдаги ҳисобот даврига қадар ижроси таъминланиши керак бўлган 69 та банддан иборат чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш ва уларнинг давлат функцияларини тартибга солишга қўшган ҳиссасини ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 %дан 35 %га ошди.

Ўзбекистон тарихида илк бор парламентда хотин-қизлар сони тавсия этилган даражага етиб, қарийб 32 %ни ташкил этди ҳамда дунёдаги 190 парламент орасида 37-ўринни эгаллади. Хотин-қизларнинг бошқарув лавозимидаги улуши 27 %, сиёсий партияларда – 44 %, олий таълимда – 40 %, тадбиркорликда – 35 %ни ташкил этади.

Ҳозирги пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 %и, Сенат аъзоларининг 24 %и, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) Кенгашлари депутатларининг 25 %и аёллардан иборат.

Минтақада хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида норасмий минтақавий платформа сифатида 2020 йилнинг декабрь ойида Марказий Осиё мамлакатлари Етакчи аёллар мулоқоти ташкил этилди. 2021 йилда Ўзбекистон мазкур Мулоқотга биринчи бўлиб раислик қилди.

Шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон–2030” стратегияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси, 2030 йилга қадар Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегияси, Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг қабул қилиниши гендер тенгликка эришиш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини кафолатлаш борасида ҳуқуқий асосларни тубдан мустаҳкамлади.

Ўзбекистоннинг гендер тенглигига эришишдаги ютуқлари БМТ, Парламентлараро Иттифоқ, Жаҳон банки томонидан алоҳида эътироф этилиб, халқаро индексларда ўз аксини топмоқда. Масалан, 2020 йилда Ўзбекистон Аёллар, бизнес ва қонун индексида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислоҳотларни амалга оширган 27 давлат қаторига киритилди.

Бундан ташқари, 2023 йилда Ўзбекистон Очиқ гендер маълумотлар индекси бўйича 69,7 балл тўплаган ҳолда дунёдаги энг яхши 20 мамлакат орасидан жой олди. 2024 йилда Ўзбекистон Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” рейтингида ҳуқуқий соҳада гендер тенглиги бўйича улкан ютуқларга эришган 5 мамлакат қаторига кирди.

БМТнинг Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи (SDSN) ва халқаро экспертлар томонидан 2023 йилда шакллантирилган БРМ рейтинги (SDG index) ҳисоботига кўра, Ўзбекистон 166 мамлакат орасида 71,1 индекс билан рейтингидаги мавқеи 8 поғонага кўтарилиб 69-ўринни эгаллади.

Жорий йил халқаро ҳамжамият томонидан Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганининг 45 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан, мазкур соҳадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясининг 45 йиллигини нишонлашга бағишланган тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Тадбирлар дастури Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим

дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссияси томонидан муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Тадбирлар дастурида халқаро, минтақавий ва миллий тадбирлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-маърифий ҳамда таълим-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, шунингдек аҳоли, ёшлар ва болалар учун дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётларни тайёрлаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Қўлингиздаги ушбу Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг тўрт тилда (ўзбек, қорақалпоқ инглиз ва рус) чоп этилишида унда белгиланган халқаро стандартлар ва хотин-қизлар ҳуқуқларига бағишланган қоидаларнинг асл мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш ҳамда ижтимоий ҳаётга мунтазам тадбиқ этиб бориш мақсад қилинган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотларни давом эттириш ва бу борадаги ҳаракатларни миллий даражада кенг миқёсда амалга оширишни қўллаб-қувватлайди. Бу эса, мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

**Акмал Саидов,**
**академик, юридик фанлар доктори,**
**профессор**

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

*Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари*:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсиятининг қадр-қиммати ва қадриятига, эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигига ишончни яна қарор топтирганлигини ҳисобга *олган ҳолда*;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси камситишга йўл қўймаслик тамойилини тасдиқлаганини ва барча одамлар ўзининг қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқида эркин ва тенг бўлиб туғилишини, ҳар бир инсон унда эътироф этилган барча ҳуқуқ ва эркинликларга ҳеч қандай фарқларсиз, шу жумладан, жинсга нисбатан ҳам эга бўлиши кераклигини маълум қилганини *ҳисобга олиб*,

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларнинг иштирокчи-давлатларига эркак ва хотин-қизлар учун барча иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан тенг фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мажбурияти юклатилганлигини *ҳисобга олиб*,

эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасалар шафелигида тузилган халқаро конвенцияларни *эътиборга олиб*,

шунингдек, эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасалар томонидан қабул қилинган резолюциялар, декларациялар ва тавсияномаларни *ҳисобга олиб*,

бироқ, мана шу турли ҳужжатларга қарамай, хотин-қизларга нисбатан жиддий камситилиш ҳоллари ҳали ҳам мавжудлигидан *ташвишланиб*,

хотин-қизларнинг камситилиши инсон қадр-қимматига бўлган тенг ҳуқуқлилик ва ҳурмат қилиш сабабларининг бузилишига, хотин-қизларнинг эркаклар билан бир қаторда ўз мамлакатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишига тўсқинлик қилишини, жамият ва оила фаровонлигининг ўсишига ҳалақит беришини ҳамда хотин-қизларнинг ўз мамлакатлари ва инсониятнинг манфаатлари йўлида имкониятларини тўлиқ намоён қилишини янада қийинлаштиришини *эслатиб*,

қашшоқлик шароитларида хотин-қизларнинг озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, таълим, касбий тайёргарлик ва ишга жойлашиш имкониятлари, шунингдек бошқа эҳтиёжлардан фойдаланиш имконияти жуда кам эканлигидан *ташвишланиб*,

тенглик ва адолатга асосланган янги халқаро иқтисодий тартибнинг ўрнатилиши эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенгликни таъминлашда сезиларли ҳисса қўшишига қатъий *ишониб*,

ирқий айирмачилик, барча турдаги ирқчилик, ирқий камситиш, эски ва янги мустамлакачилик (колониализм ва неоколониализм), агрессия, хорижий босиб олиниш ва ҳукмронлик ҳамда давлатларнинг ички ишларига аралашишга барҳам бериш эркаклар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун зарур эканлигини *таъкидлаб*,

халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий тизимларидан қатъи назар, барча давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, оммавий ва батамом қуролсизланиш, хусусан, қатъий ва самарали халқаро назорат остида ядровий қуролсизланиш, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда адолат, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларини қарор топтириш ҳамда чет эл ва мустамлака ҳукмронлиги ҳамда хорижий истило остида бўлган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақилликка бўлган ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек давлатларнинг миллий суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ижтимоий тараққиёт ва ривожланишга кўмаклашишини ҳамда бунинг натижасида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида тўлиқ тенгликка эришишга имкон беришини *тасдиқлаб*,

мамлакатнинг тўлиқ ривожланиши, бутун дунёда фаровонлик ва тинчлик иши хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан баравар мумкин қадар кўпроқ иштирокини талаб қилишига қатъий *ишониб*,

хотин-қизларнинг оила фаровонлиги ва жамият ривожига қўшаётган ҳозиргача тўлиқ тан олинмаган ҳиссасининг аҳамиятини, оналикнинг ижтимоий аҳамиятини ҳамда оилада ва бола тарбиясида ота-онанинг ўрнини ҳисобга олиб, хотин-қизларнинг насл давомчиси сифатидаги ўрни хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилишига сабаб бўлмаслиги кераклигини, чунки болаларнинг тарбияси эркак ва хотин-қизларнинг ҳамда бутун жамиятнинг биргаликдаги жавобгарлигини талаб қилишини *англаб*,

эркак ва хотин-қизлар ўртасида тўла тенгликка эришиш учун ҳам эркак, ҳам хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги анъанавий ўрнини ўзгартириш зарурлигини *ёдда тутиб*,

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларациясида эълон қилинган тамойилларни амалга ошириш ва шу мақсадда бундай камситишларнинг барча шакллари ва кўринишларига барҳам бериш учун зарур чораларни кўришга қатъий қарор *қилиб*,

қуйидагилар тўғрисида *КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР*:

## I ҚИСМ

### 1-модда

Мазкур Конвенциянинг мақсади учун “хотин-қизларга нисбатан камситиш” тушунчаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ёки ҳар қандай бошқа соҳада инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида хотин-қизларнинг оилавий аҳволидан қатъи назар, улар томонидан тан олиш, фойдаланиш ёки амалга оширишни бўшаштиришга ёхуд

йўққа чиқаришга йўналтирилган жинсий белгиларига кўра ҳар қандай фарқ, истисно ёки чеклашни англатади.

**2-модда**

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларини қоралаб, зудлик билан барча тегишли усуллар орқали хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш сиёсатини олиб боришга келишадилар ва шу мақсадда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

а) эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилик тамойилини, агарда бу ҳозиргача қилинган бўлмаса, миллий Конституцияга ёки бошқа тегишли қонунчиликка киритиш ва қонун ҳамда бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу тамойилни амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

b) хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай камситишни тақиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни, жумладан, зарур бўлганда санкцияларни қабул қилиш;

c) ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат муассасаларининг ёрдами билан хотин-қизларни камситишнинг ҳар қандай актига қарши самарали ҳимоя қилишни таъминлаш орқали хотин-қизлар ҳуқуқларини эркаклар билан тенглик асосида юридик ҳимоя қилиш тартибини ўрнатиш;

d) хотин-қизларга нисбатан камситадиган бирон-бир ҳужжатларни ёки хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш ҳамда давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ иш кўришларига кафолат бериш;

e) бирон-бир шахс, ташкилот ёки корхона томонидан хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўриш;

f) хотин-қизларга нисбатан камситишни ифодалайдиган амалдаги қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, жумладан, қонунчилик чораларини кўриш;

g) ўзининг жиноят қонунчилигидаги хотин-қизларга нисбатан камситишни ифодалайдиган барча қоидаларини бекор қилиш.

**3-модда**

Иштирокчи-давлатлар барча соҳаларда, хусусан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рўёбга чиқаришлари ҳамда фойдаланишларини кафолатлаш мақсадида уларни ҳар томонлама ривожланишини ва тараққиётини таъминлаш учун барча тегишли чораларни, жумладан, қонунчилик чораларини кўрадилар.

**4-модда**

1. Мазкур Конвенцияда белгиланганидек, иштирокчи-давлатлар томонидан эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида амалда тенглигини таъминлашни тезлаштиришга йўналтирилган вақтинчалик махсус чораларни қабул қилиш камситувчи деб ҳисобланмайди, бироқ у асло тенг ҳуқуқли бўлмаган ёки табақалаштирилган андозаларнинг сақланиб қолишига олиб келмаслиги керак; имкониятлар тенглиги ва тенг ҳуқуқлилик муносабатининг мақсадларига эришилгандан сўнг бу чоралар бекор қилиниши шарт.

2. Иштирокчи-давлатлар томонидан оналикни ҳимоя қилишга йўналтирилган махсус чоралар, жумладан, ушбу Конвенцияда мавжуд бўлган чораларнинг қабул қилиниши камситувчи деб ҳисобланмайди.

### 5-модда

Иштирокчи-давлатлар қуйидаги мақсадларда барча тегишли чораларни қабул қиладилар:

a) эркаклар ва хотин-қизлар хулқ-атворининг ижтимоий ва маданий моделларини жинслардан бирининг паст бўлиши ёки устун бўлиши ёхуд эркак ва аёл ролининг бир хиллиги ғоясига асосланган хурофотларга барҳам бериш ҳамда урф-одатлар ва бошқа барча амалиётларни тугатишга эришиш мақсадида ўзгартириш;

b) барча ҳолатларда болалар манфаатлари устун туриши шарти билан оилавий тарбия ўз ичига оналикни ижтимоий вазифа сифатида тўғри англашни ҳамда эркак ва хотин-қизларнинг ўз болаларининг тарбияси ҳамда камолоти учун умумий жавобгарлиги эътироф этилишини қамраб олишини таъминлаш.

### 6-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизлар савдоси ва хотин-қизларни фоҳишаликка эксплуатация қилишнинг барча турларига чек қўйиш учун барча тегишли чораларни, жумладан, қонунчилик чораларини кўради.

## II ҚИСМ

### 7-модда

Иштирокчи-давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, хусусан, хотин-қизларга эркаклар билан тенг шароитларда қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

a) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ҳамда барча оммавий сайланадиган органларга сайланиш;

b) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек давлат бошқарувининг барча даражаларида ҳамма давлат вазифаларини амалга ошириш;

c) мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг муаммолари билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида иштирок этиш.

### 8-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида ва ҳеч қандай камситишсиз халқаро миқёсда ўз ҳукуматлари номидан вакиллик қилиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

### 9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар фуқароликни қабул қилиш, ўзгартириш ёки сақлаб қолишга нисбатан хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқларни беради. Улар, хусусан, чет эллик билан турмуш қурганда ҳам, никоҳда бўлган вақтида турмуш

ўртоғининг фуқаролиги ўзгарганида ҳам хотин-қизларнинг фуқаролиги ўз-ўзидан ўзгаришига олиб келмаслигини, уни фуқаролиги бўлмаган шахсга айлантирмаслигини ва турмуш ўртоғининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур қилолмаслигини таъминлайди.

2. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга ўз фарзандларининг фуқаролигига нисбатан эркаклар билан тенг ҳуқуқлар беради.

## III ҚИСМ

### 10-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш, хусусан, эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларга таълим соҳасидаги эркаклар билан тенг ҳуқуқларни таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради:

a) шаҳар туманларидаги каби қишлоқ жойларида ҳам барча тоифадаги ўқув муассасаларида таълим олиш имконига эга бўлиш ва диплом олиш, касб ёки мутахассисликни танлаш учун бир хил шароитларни яратиш, бу тенглик мактабгача таълим, умумтаълим, махсус ва олий техник таълимда, шунингдек касбий тайёргарликнинг барча турларида таъминланади;

b) бир хил ўқув дастурлари, бир хил имтиҳонлар, бир хил малакали ўқитувчилар таркиби, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларидан фойдаланиш;

c) таълим олишнинг барча босқичлари ва шаклларида эркак ва хотин-қизларнинг биргаликда таълим олиши ва ушбу мақсадга эришишга кўмаклашадиган бошқа турдаги таълим олишни рағбатлантириш орқали, хусусан, ўқув қўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан ҳар қандай андозадаги концепцияни бартараф этиш;

d) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олишда бир хил имкониятлар;

e) эркаклар ва хотин-қизларнинг билимларидаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезроқ қисқартиришга йўналтирилган, жумладан, катта ёшдагилар орасида саводхонликни оммалаштириш дастурлари ва функционал саводхонлик дастурини, хусусан, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланишнинг бир хил имкониятлари;

f) мактабни тугатмаётган қизлар сонини қисқартириш ҳамда мактабни барвақт тарк этган қизлар ва аёллар учун дастурлар ишлаб чиқиш;

g) спорт ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар;

h) оилаларнинг соғломлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим хусусиятига эга махсус ахборотлар, жумладан, оиланинг каттакичиклигини режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва маслаҳатлардан фойдаланиш имконияти.

### 11-модда

1. Иштирокчи-давлатлар эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида тенг ҳуқуқларни таъминлаш билан бандлик соҳасида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, хусусан:

a) барча одамларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнатга бўлган ҳуқуқи;

b) ишга ёлланишда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга, ишга ёлланишда бир хил танлаб олиш мезонларини қўллаш ҳуқуқи;

c) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва бандлик кафолати, шунингдек шогирдлик, юқори даражадаги касбий тайёргарлик ва мунтазам қайта тайёрлашни ўз ичига олган меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитларидан фойдаланиш, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарлик олиш ҳуқуқи;

d) имтиёзлар олган ҳолда тенг мукофотлаш, тенг қийматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиш ҳуқуқи;

e) ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқи, хусусан, нафақага чиқиш, ишсизлик, касаллик, ногиронлик, қарилик ва меҳнат қобилиятини йўқотишнинг бошқа ҳолатларида, шунингдек ҳақ тўланадиган таътилга бўлган ҳуқуқ;

f) соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитлари, жумладан, наслни давом эттириш вазифасини сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи.

2. Хотин-қизларга нисбатан турмушга чиққанлиги ёки оналиги сабабли камситишнинг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишга бўлган самарали ҳуқуқларни кафолатлаш учун иштирокчи-давлатлар қуйидагиларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўради:

a) ҳомиладорлигига ёки ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилига асосан ишдан бўшатиш таҳдиди остида санкциялар қўллашни ёхуд ишдан бўшатиш пайтида оилавий аҳволи туфайли камситишни тақиқлаш;

b) аввалги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ҳақ тўланадиган таътиллар ёки таққослама ижтимоий нафақалар тўланадиган таътиллар жорий этиш;

c) ота-оналарга оилавий мажбуриятларини бажаришни меҳнат фаолияти ва жамият ҳаётидаги иштироки билан бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш учун, жумладан, болаларни тарбия қилиш муассасалари тармоғини ташкил этиш ва кенгайтириш йўли орқали зарур қўшимча ижтимоий хизматларни тақдим этишни рағбатлантириш;

d) ҳомиладорлик даврида хотин-қизлар саломатлиги учун зарарли деб исботланган меҳнат турларида уларнинг алоҳида ҳимоясини таъминлаш.

3. Мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга таааллуқли қонунчилик илмий-техникавий билимлар асосида вақти-вақти билан кўриб чиқилади, шунингдек заруратга қараб қайтадан кўриб чиқилади, бекор қилинади ёки кенгайтирилади.

**12-модда**

1. Иштирокчи-давлатлар эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида тиббий хизматдан, хусусан, оиланинг катта-кичиклигини режалаштиришга тааллуқли масалаларда ҳам фойдаланишини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради;

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу модданинг 1-банди қоидаларидан қатъи назар хотин-қизларни ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврида тегишли хизматларни, зарурият туғилганда, бепул хизматларни, шунингдек ҳомиладорлик ва эмизикли даврда керакли озиқ-овқатларни етказиб беришни таъминлайдилар.

**13-модда**

Иштирокчи-давлатлар эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида тенг ҳуқуқларни таъминлаш мақсадида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, хусусан:

a) оилавий нафақага бўлган ҳуқуқи;

b) заём, кўчмас мулк ҳисобига қарз ва бошқа шаклдаги молиявий кредитларни олишга бўлган ҳуқуқи;

c) дам олиш билан боғлиқ тадбирларда, спорт машғулотларида ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этиш ҳуқуқи.

**14-модда**

1. Иштирокчи-давлатлар қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар дуч келадиган алоҳида муаммоларни ва уларнинг ўз оилаларининг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнашини, шу жумладан, уларнинг хўжаликнинг товар бўлмаган тармоқларидаги фаолиятини эътиборга олиб, мазкур Конвенция қоидаларини қишлоқ жойларида яшовчи хотин-қизларга нисбатан қўллашни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

2. Иштирокчи-давлатлар эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш ва бундай ривожланишдан фойда олишини таъминлаш мақсадида қишлоқ жойларидаги хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, жумладан, бундай хотин-қизларга қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

a) барча даражаларда ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

b) оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш масалалари бўйича ахборотлар, маслаҳатлар ва хизматларни инобатга олган ҳолда тегишли тиббий хизматдан фойдаланиш;

c) ижтимоий суғурта дастурлари қулайликларидан бевосита фойдаланиш;

d) функционал саводхонликни инобатга олиб барча турдаги тайёрлов ҳамда расмий ва норасмий таълим олиш, шунингдек уларнинг техникавий даражасини ошириш учун барча турдаги жамоат хизматларидан, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматидан фойдаланиш;

e) ишга ёллаш ёки мустақил меҳнат фаолияти орқали иқтисодий имкониятлардан тенг фойдаланишни таъминлаш учун ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш гуруҳлари ва ширкатларни ташкил этиш;

f) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

g) қишлоқ хўжалик кредитлари ва заёмлари, сотиш тизими, тегишли технологиялари ҳамда ер ва аграр ислоҳотларида, шунингдек ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эришишга эга бўлиш;

h) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса, уй-жой шароитларидан, санитария хизматларидан, электр ва сув таъминотидан, шунингдек транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш.

## IV ҚИСМ

### 15-модда

1. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг қонун олдида эркаклар билан тенглигини тан оладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини ва уни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини беради. Улар, хусусан, шартномаларни тузиш ва мулкни бошқаришда уларга тенг ҳуқуқлар, шунингдек судлар ва трибуналларда иш кўришнинг барча босқичларида уларга тенг муносабатни таъминлайди.

3. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқий эгалигини чеклашда ўзининг ҳуқуқий оқибатига эга ҳар қандай барча шартномалар ва бошқа барча хусусий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблайдилар.

4. Иштирокчи-давлатлар шахсларнинг кўчиб юриши ҳамда яшаш жойи ва турар жойини танлаш эркинлигига тааллуқли бўлган қонунчиликка нисбатан эркак ва хотин-қизларга бир хил ҳуқуқларни тақдим этади.

### 16-модда

1. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга нисбатан никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли барча масалаларда камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, хусусан, эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида қуйидагиларни таъминлайди:

a) никоҳга киришишда бўлган бир хил ҳуқуқлар;

b) турмуш ўртоғини эркин танлаш ҳамда фақатгина ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан никоҳга киришишда бўлган бир хил ҳуқуқлар;

c) никоҳ даврида ва уни бекор қилишда бир хил ҳуқуқ ва бурчлар;

d) оилавий шароитидан қатъи назар, болаларга тааллуқли бўлган масалаларда эркак ва хотин-қизларнинг ота-она сифатида бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлари; барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун туради;

e) болалар сони ва уларнинг туғилиши ўртасидаги оралиқ тўғрисидаги масалани эркин ва масъулиятли ҳал қилишда бир хил ҳуқуқлар ҳамда ахборот, таълим олиш имкони, шунингдек ушбу ҳуқуқларни амалга оширишга имкон берадиган воситаларга эга бўлиш;

f) болаларнинг васийлари, ҳомийлари, вакиллари ва фарзандликка олувчилари бўлишда ёки миллий қонунчиликда кўзда тутилган шунга ўхшаш вазифаларни амалга оширишда бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлари; барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун туради;

g) эр ва хотиннинг бир хил шахсий ҳуқуқлари, шу жумладан, исми-шарифини, *касб ва* машғулотни танлаш ҳуқуқи;

h) эр-хотиннинг мол-мулкка ҳам бепул, ҳам пуллик эгалик қилиш, сотиб олиш, *б*ошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилишга нисбатан бир хил ҳуқуқлар.

2. Болани унаштириш ва никоҳлаш юридик кучга эмас ҳамда никоҳдан ўтишнинг энг қуйи ёшини аниқлаш ва никоҳларни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш мақсадида барча зарур чоралар, жумладан, қонунчилик чоралари кўрилади.

## V ҚИСМ

### 17-модда

1. Мазкур Конвенциянинг амалга оширилиш жараёнини кўриб чиқиш учун Конвенция кучга кирган вақтда ўн саккизтадан, у ратификация қилинганидан ёки унга ўттиз бешинчи иштирокчи-давлат қўшилганидан сўнг эса ушбу Конвенция соҳасини мукаммал биладиган юқори ахлоқий сифатларга ва етук маълумотларга эга бўлган йигирма учта экспертдан иборат Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитаси таъсис этилади (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади). Бу экспертлар иштирокчи-давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ва хусусий шахс сифатида иш юритадилар, бунда адолатли географик тақсимот ва цивилизациянинг ҳар хил шаклдаги, шунингдек асосий ҳуқуқий тизимлар вакиллари ҳисобга олинади.

2. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан кўрсатилган рўйхатга киритилган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўзининг фуқаролари орасидан битта шахсни таклиф қилиши мумкин.

3. Мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб олти ойдан сўнг бирламчи сайловлар ўтказилади. Ҳар бир сайлов ўтказилишидан камида уч ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби иштирокчи-давлатларга икки ой ичида ўз вакилларини кўрсатиш таклифи билан хат йўллайди. Бош котиб иштирокчи-давлатларнинг кўрсатмаси билан шундай тарзда киритилган барча шахсларнинг рўйхатини алифбо тартибида тайёрлайди ҳамда бу рўйхатни иштирокчи-давлатларга тақдим этади.

4. Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан чақириладиган ва БМТ Марказий муассасаларида ўтказиладиган иштирокчи-давлатлар йиғилишида сайланадилар. Иштирокчи-давлатларнинг сони учдан икки қисмни ташкил этадиган бу йиғилишда Қўмитага сайланган шахслар овоз беришда қатнашадиган ва иштирок этадиган иштирокчи-давлатлар вакилларининг энг кўп ва мутлақ кўп овозини олган номзодлар ҳисобланади.

5. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланадилар. Бироқ биринчи сайловда сайланган тўққиз аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди; биринчи сайловлар ўтказилиши билан бу тўққиз аъзонинг фамилияси Қўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

6. Қўмитанинг беш нафар қўшимча аъзосини сайлаш ўттиз бешинчи давлатнинг Конвенцияни ратификация қилганидан кейин ёки унга қўшилганидан кейин мазкур модданинг 2, 3 ва 4-бандлари қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Шу тарзда сайланган икки нафар қўшимча аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди; бу икки нафар қўшимча аъзонинг фамилияси Қўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

7. Иштирокчи-давлат кўзда тутилмаган бўш ўринларни тўлдириш учун Қўмита аъзоси сифатида ўз вазифасини тугатган экспертнинг ўрнига Қўмита маъқуллаган тақдирдагина ўз фуқаролари орасидан бошқа экспертни тайинлайди.

8. Қўмита аъзолари Бош Ассамблея томонидан тасдиқланган мукофотларни Қўмита вазифасининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Ассамблея томонидан белгиланган тартиб ва шартларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан олади.

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенцияга мувофиқ Қўмитанинг вазифалари самарали амалга оширилиши учун зарур ходим ва моддий маблағлар билан таъминлайди.

**18-модда**

1. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенциянииг қоидаларини бажариш учун қабул қилинган қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чора-тадбирлар тўғрисидаги ва бу борада эришилган ютуқлар ҳақидаги маърузаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун тақдим этиш мажбуриятини оладилар:

а) манфаатдор давлат учун мазкур Конвенциянииг кучга кирган кунидан эътиборан бир йил ичида;

b) шундан сўнг, ҳеч бўлмаганда ҳар тўрт йилда ва сўнгра, қачонки, Қўмита бу ҳақда расмий равишда сўраганда.

2. Маърузаларда мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларни бажариш даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар ва қийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

**19-модда**

1. Қўмита ўзининг шахсий бажарадиган ишлар тартиби қоидаларини тасдиқлайди.

2. Қўмита икки йил муддатга ўзининг мансабдор шахсларини сайлайди.

**20-модда**

1. Қўмита ушбу Конвенциянинг 18-моддасига мувофиқ тақдим этилган маърузаларни кўриб чиқиш мақсадида, қоидага кўра икки ҳафтадан ошмайдиган давр мобайнида ҳар йили мажлис ўтказади.

2. Қўмитанинг йиғилишлари қоидага кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Қўмита томонидан белгиланадиган бошқа исталган қулай жойда ўтказилади.

**21-модда**

1. Қўмита ҳар йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўзининг фаолияти тўғрисидаги маърузасини тақдим этади ҳамда иштирокчи-давлатлардан олинган маъруза ва ахборотларни ўрганишга асосланган умумий хусусиятга эга таклиф ва тавсияномаларни киритиши мумкин. Умумий хусусиятга эга бундай таклиф ва тавсияномалар иштирокчи-давлатларнинг фикрлари билан бир қаторда, агар улар мавжуд бўлса, Қўмитанинг маърузасига киритилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Қўмита маърузаларини Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссиясига ахборот учун юборади.

**22-модда**

Ихтисослаштирилган муассасалар ўзларининг фаолият доирасига кирадиган ушбу Конвенциянинг бундай қоидаларини амалга ошириш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқишда вакиллик қилиш ҳуқуқига эга. Қўмита ихтисослашти-

рилган муассасаларга уларнинг фаолияти доирасига кирадиган соҳаларда Конвенцияни амалга ошириш ҳақидаги маърузаларни тақдим этишни таклиф қилиши мумкин.

## VI ҚИСМ

### 23-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса эркак ва хотин-қизлар ўртасидаги тенг ҳуқуқликка эришишга кўмаклашувчи қуйида мавжуд бўлган қоидаларга дахл қилмайди:

а) иштирокчи-давлатларнинг қонунчилигида; ёки,

b) шундай давлат учун кучга эга бўлган ҳар қандай бошқа халқаро конвенция, шартнома ёки битимда.

### 24-модда

Иштирокчи-давлатлар мазкур Конвенцияда тан олинган ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилишига эришиш учун миллий даражада барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини оладилар.

### 25-модда

1. Мазкур Конвенция барча давлатлар томонидан имзоланиши учун очиқдир.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенциянинг депозитарийси этиб тайинланади.

3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

4. Мазкур Конвенция барча давлатларнинг қўшилиши учун очиқдир. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш орқали амалга оширилади.

### 26-модда

1. Мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимоснома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига ҳар қандай иштирокчи-давлатлардан бирининг исталган вақтда ёзма равишдаги хабар орқали тақдим этилиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, агар у қандайдир чоралар кўриш зарурлигини эътироф этса, бундай илтимосномага нисбатан айнан қандай чоралар кўриш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

### 27-модда

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилганидан сўнг ўттизинчи кундан кучга киради.

2. Мазкур Конвенцияни ратификация қиладиган ёхуд йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки унга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенциянинг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан сўнг ўттизинчи кундан кучга киради.

**28-модда**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида давлатлар томонидан қилинган қўшимча шартларнинг матнини қабул қилади ҳамда барча давлатларга тарқатади.

2. Мазкур Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига тўғри келмайдиган қўшимча шартлар киритилмайди.

3. Қўшимча шартлар исталган вақтда Бош котиб номига юборилган тегишли билдиришнома орқали бекор қилиниши мумкин, кейин эса у бу ҳақда барча иштирокчи-давлатларни хабардор қилади. Бундай билдиришнома у олинган кундан бошлаб кучга киради.

**29-модда**

1. Мазкур Конвенцияни талқин этиш ёки қўллашга нисбатан икки ёки бир нечта иштирокчи-давлатлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилмаган ҳар қандай баҳс томонлардан бирининг илтимосига биноан ҳакамлик муҳокамасига юборилади. Агар ҳакамлик муҳокамаси ҳақида ариза берилган пайтдан бошлаб олти ой мобайнида томонлар ҳакамлик муҳокамасини ташкил этишга нисбатан келишувга эришолмаган бўлса, томонлардан бири ушбу баҳсни Суд Низомига мувофиқ тегишли ариза бериш йўли билан Халқаро Судга топшириши мумкин.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат мазкур Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан ўзини боғлиқ деб ҳисобламаслигини билдириши мумкин. Бошқа иштирокчи-давлатлар шунга ўхшаш қўшимча шартни қўйган ҳар қандай иштирокчи-давлатга нисбатан ушбу модданинг кўрсатилган бандидан келиб чиқадиган мажбуриятларни олмайди.

3. Мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ қўшимча шартларни қўйган ҳар қандай иштирокчи-давлат истаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдиришнома йўллаш орқали ўз қўшимча шартларини олиб ташлаши мумкин.

**30-модда**

Мазкур Конвенциянинг рус, инглиз, араб, испан, хитой, ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

Ваколатга эга бўлган қуйида имзо чекувчилар мазкур Конвенцияни тасдиқлаш учун имзоладилар.

# ҲАЯЛ-ҚЫЗЛАРДЫ КЕМСИТИЎДИҢ БАРЛЫҚ ТҮРЛЕРИН САПЛАСТЫРЫЎ ҲАҚҚЫНДАҒЫ КОНВЕНЦИЯ

# КИРИС СӨЗИ

1948-жылы Инсан ҳуқықлары дүнья жүзлик декларациясы қабыл етилиўи менен онда баян етилген гендер теңлиги, ҳаяллар ҳуқықларын белгилеў ҳәм кепиллик бериў мәселесине арналған халықаралық көлемде ҳүжжет дүзиў ҳаққында шақырықлар дүньяның түрли минберлеринен жаңлай баслады.

БМШ тарийхында дәслеп 1967-жылы Бас Ассамблея тәрепинен Ҳаялларға қарата кемситиўлерди сапластырыў ҳаққындағы декларация қабылланды. Бирақ, бул ҳүжжет жынысқа қарата кемситиўди қадаған етсе де, мәмлекетлер ушын усыныс характеринде еди. Бул болса күтилген нәтийжени бермеди.

Халықаралық жәмийетшилик тәрепинен усы мәселеде глобал көлемде ҳәрекетлениўши ҳәм де мәмлекетлерге өз алдына миннетлеме жүклейтуғын шәртнама қабыллаў бойынша мүтәжлик сезилди. Атап айтқанда, 1975-жыл Мехико қаласында өткерилген БМШниң ҳаяллар бойынша дүнья жүзилик конференциясында “Ҳаяллар он жыллығы” (1975–1985) жәрияланды. Конференцияда қабыл етилген шешимге муўапық, Комиссия тәрепинен “кемситиўдиң барлық түрлерин жоқ етиў”ге қаратылған халықаралық Конвенция ислеп шығылыўы жобаластырылды. Ер адамлар ҳәм ҳаяллар арасындағы теңликти тәмийинлеў мақсетинде, ҳаяллардың статусы ҳаққындағы тартыслар ҳүжжеттиң ҳәр бир пункти бойынша Бас Ассамблеяның Үшинши комитети ҳәм Ҳаяллар статусы бойынша комиссияда узақ талқыланды, бул болса ҳүжжет текстин таярлаў процесин сезилерли дәрежеде созды.

Жуўапкерлер ҳүжжет текстин таярлаў үстинде бес жыл иследи. Ақырында, БМШ Бас Ассамблеясы 1979-жылы 18-декабрде 34/180 резолюциясы тийкарында “Ҳаял-қызларды кемситиўдиң барлық түрлерине тыйым салыў ҳаққындағы” Конвенцияны қабыллады. 1981-жылы 3-сентябрде жигирма мәмлекет тәрепинен Конвенция ратификация етилгеннен соң, ҳүжжет күшке кирди. Швеция усы ҳүжжетке қол қойған дәслепки мәмлекет болды. Бүгинги күнде Конвенция 189 мәмлекет тәрепинен ратификиацияланған. Конвенция 1995-жылы 18-августта Өзбекстан Республикасы Олий Мажлиси тәрепинен ратификацияланды.

1979-жылы қабыл етилген Бирлескен Миллетлер Шөлкеминиң Ҳаял-қызларды кемситиўдиң барлық түрлерин сапластырыў ҳаққындағы Конвенциясы (ямаса CEDAW Конвенциясы) ҳаяллардың пуқаралық, сиясий, социаллық, экономикалық ҳәм мәдений ҳуқықларына арналған халықаралық нызам сыпатында белгили. Өйткени, усы ҳүжжет халықаралық жәмийетшиликтиң ҳаяллар ҳуқықлары бойынша бирдей көз қарасларын билдиреди.

Бул Конвенция Бирлескен Миллетлер Шөлкеминиң инсан ҳуқықлары бойынша тоғыз тийкарғы Конвенцияларынан бири есапланады. Конвенция дүзилиси бойынша: улыўма 6 бөлим, 30 статьядан ибарат болып, оның дәслепки төрт бөлими ҳаялларға нызам алдында ер адамлар менен тең ҳуқықлы екенлигин кепиллейди. Яғный жәмийетлик қатнасларда ҳаяллар ҳуқықларының бузылыўына қарсы гүресиў ҳәм олардың алдын алыў, ҳаяллардың сиясий, ҳуқықый ҳәм пуқаралық ҳуқықлары, сондай-ақ, социаллық ҳәм экономикалық ҳуқықларын тәмийинлеў, олардың билим алыў, жумысқа орналасыў ҳәм денсаўлығын қорғаўға, неке ҳәм

шаңарақтағы орнын беккемлеўге арналған. Бесинши ҳәм алтыншы бөлимлер Конвенцияның қадағалаў органы болған Комитетти шөлкемлестириў ҳәм Конвенцияны әмелге асырыў ушын зәрүр болған процеслерди, Конвенция ҳәм де тағы басқа халықаралық ҳәм миллий нызамшылық арасындағы қатнаслардың системалы тәртибин, сондай-ақ, мәмлекетлерге жүкленген жуўапкершилик ҳәм миннетлемелерди тәртипке салып турады.

Ҳаял-қызларды кемситиўди сапластырыў бойынша Комитет 1981-жылы шөлкемлестирилген.

Комитет өз искерлиги даўамында ағза – мәмлекетлер тәрепинен Конвенцияның 16 тийкарғы статьясының әмелге асырылыўын көрип шығыўы ҳәм де норматив мазмуны ҳәм көлемине түсиндирме бериўи мүмкин. Сондай-ақ, Комитеттиң тийисли усыныслары қатнасыўшы – мәмлекетлерге гендер теңликке ерисиў, ҳаяллар ҳуқықларын тәмийинлеў ҳәм қәўендерлик етиў бойынша өзлериниң миллий нызамшылық дәреклерин беккемлеўге көмеклеседи.

Конвенцияда сәўлеленген тийкарғы қағыйда ҳәм принциплер Өзбекстан Республикасы миллий нызамшылығында, әсиресе, Өзбекстанның 2023-жыл апрель айында улыўма халықлық даўыс бериў жолы менен қабыл етилген Өзбекстанның жаңа редакциядағы Конституциясында сәўлеленгенлигин атап өтиў керек. Атап айтқанда, Конституцияның 42 ҳәм 58-статьяларында ҳаяллардың мийнет ҳуқықлары бузылыўының алдын алыў, олар ушын мүнәсип турмыс ҳәм жумыс шараятларын жаратыў ҳәм де ҳаял-қызларға жәмийеттиң барлық хызмет тараўларында ер адамлар менен тең ҳуқық ҳәм мүмкиншиликлер тәмийинлениўи нәзерде тутылған.

Ҳәзирге шекем ҳаял-қызлардың ҳуқық ҳәм мәплерин ҳәр тәреплеме тәмийинлеў мәселелерине тийисли 40 тан зыят норматив-ҳуқықый ҳүжжетлер, атап айтқанда, “Ҳаял-қызлар ҳәм ер адамлар ушын тең ҳуқық ҳәм де мүмкиншиликлердиң кепилликлери ҳаққында”, “Ҳаял-қызларды қысым ҳәм зорлықтан қорғаў ҳаққында” ҳәм де “Пуқаралардың репродуктив ден саўлығын сақлаў ҳаққында”ғы жаңа нызамлар қабыл етилген.

Соның менен бирге, мәмлекетимизде Комитеттиң дәўирлик баянатлары бойынша тийисли усынысларын әмелге асырыўда айырықша механизм жаратылған болып, бунда тараўға тийисли барлық атқарыў ҳәкимияты органларының белсенди қатнасы тәмийинленген. Бир ғана мысал, 2022-жыл 15–16-февраль күнлери Женевада Комитет Конвенция қағыйдаларын орынлаў бойынша Өзбекстан Республикасының Алтыншы дәўирлик баянатын көрип шықты. Көрип шығыў жуўмақлары бойынша Өзбекстан Республикасы Олий Мажлиси палаталарының Қоспа қарары менен БМШ Ҳаял-қызларды кемситиўдиң барлық түрлерин сапластырыў комитетиниң жуўмақлаўшы усынысларын әмелге асырыў бойынша 2022–2025 жылларға арналған Миллий ҳәрекетлер жобасы қабылланды. Миллий ҳәрекетлер жобасына муўапық, 64 министрлик, мәкеме ҳәм шөлкемлер тәрепинен гезектеги есабат дәўирине шекем Комитет усынысларын әмелге асырыў бойынша турақлы қадағалаў тийкарында 69 пункттен ибарат ис-илажлар әмелге асырылыўы белгиленген.

Ҳаял-қызлардың жәмийетлик-сиясий турмыстағы белсендилигин асырыў, мәмлекеттиң тәртипке салыў функцияларындағы ҳаяллар үлесин көбейтиў бойынша жумыслар әмелге асырылмақта. Ҳәзирги ўақытта ҳаял-қызлардың мәмлекет басқарыўындағы үлеси 2017-жылғы 27 проценттен 35 процентке жетти.

Өзбекстан тарийхында дәслепки мәрте парламентте ҳаял-қызлар саны БМШ тәрепинен берилген усынысларға сәйкес дәрежеге көтерилип, дерлик 32 процентке жетти ҳәм дүньядағы 190 парламент арасында 37-орынды ийеледи. Басқарыў лаўазымындағы ҳаял-қызлар үлеси 27 процент, партияларда 44 процент, жоқары билимде 40 процент, исбилерменликте 35 процентке жетти.

Бүгинги күнде Олий Мажлис Нызамшылық палатасы депутатларының 33 проценти, Сенат ағзаларының 24 проценти, Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңеси, Халық депутатлары ўәлаятлар ҳәм Ташкент қаласы Кеңеслери депутатларының 25 проценти ҳаяллардан ибарат.

Ҳаял-қызларды қоллап қуўатлаў мақсетинде регионда рәсмий емес платформа сыпатында 2020-жылы декабрьде Орайлық Азия мәмлекетлери жетекши ҳаялларының байланысы дүзилди. 2021-жылы биринши болып усы байланысқа Өзбекстан басшылық етти.

2017–2021 жылларда Өзбекстан Республикасын раўажландырыўдың бес тийкарғы бағдары бойынша Ҳәрекетлер стратегиясы, 2022–2026 жылларға арналған Жаңа Өзбекстанның раўажланыў стратегиясы, "Өзбекстан-2030" стратегиясы, Инсан ҳуқықлары бойынша Өзбекстан Республикасының Миллий стратегиясы, 2030-жылға шекем Өзбекстанда гендер теңликке ерисиў стратегиясы, Турақлы раўажланыў тараўындағы миллий мақсет ҳәм ўазыйпалардың қабыл етилиўи гендер теңликке ерисиў ҳәм ҳаял-қызлар ҳуқықларына кепиллик бериў бойынша ҳуқықый тийкарларды түптен беккемледи.

Өзбекстанның гендер теңликке ерисиўдеги табыслары халықаралық майданларда, атап айтқанда, БМШ, Парламентлераралық Аўқам, Жәҳән банки тәрепинен атап өтилип, халықаралық индекслерде өз сәўлелениўин таппақта. Мысалы, 2020-жылы Өзбекстан Ҳаяллар, бизнес ҳәм нызам индексинде ҳаял-қызлар ҳуқықлары ҳәм гендер теңлик бойынша әҳмийетке ийе реформаларды әмелге асырған 27 мәмлекет қатарына киргизилди.

Сондай-ақ, 2023-жылы Өзбекстан дүнья еллериниң топ-20 на кирип ашық гендер мағлыўматлары Индексинде 69,7 балл топлаған. Индексте Өзбекстан гендер теңлик тараўында дүньядағы ең тез раўажланып атырған 5 мәмлекет қатарында белгиленген. 2024-жылы Өзбекстан Жәҳән банкиниң "Ҳаяллар, бизнес ҳәм нызам" рейтингинде ҳуқықый салада гендер теңлик жолында ерискен табыслары менен 5ликке кирди.

Бирлескен Миллетлер Шөлкеминиң Турақлы раўажланыў шешимлери тармағы (SDSN) ҳәм халықаралық экспертлер тәрепинен 2023-жылы қәлиплестирилген ТРМ рейтинги (SDG индекс) есабатына муўапық, Өзбекстан 166 мәмлекет арасында 71,1 индекс пенен рейтингиндеги орны 8 есеге көтерилип 69-орынды ийеледи.

Усы жылы халықаралық жәмийетшилик тәрепинен Ҳаял-қызларды кемситиўдиң барлық түрлерине сапластырыў ҳаққындағы Конвенция қабыл етилгенлигиниң 45 жыллығы кең түрде белгиленбекте.

Усыған байланыслы, усы тараўдағы реформаларды избе-из даўам еттириў мақсетинде Инсан ҳуқықлары бойынша Өзбекстан Республикасы миллий орайы министрлик, мәкеме ҳәм шөлкемлер менен биргеликте Бирлескен Миллетлер Шөлкеминиң Ҳаял-қызларды кемситиўдиң барлық түрлерин сапластырыў ҳаққындағы Конвенцияның 45 жыллығын байрамлаўға арналған ис-илажлар бағдарламаларын ислеп шықты. Ис-илажлар бағдарламасы Өзбекстан Республикасында инсан ҳуқықлары тараўындағы Жәҳән билимлендириў бағдарламасының төртинши басқышын әмелге асырыў бойынша Миллий исши топары тәрепинен додаланды ҳәм тастыйықланды.

Бунда халықаралық, регионлық ҳәм миллий ис-илажлар өткериў, инсан ҳуқықлары бойынша мәлимлеме-ағартыўшылық ҳәм де тәлим-тәрбиялық ислерди жетилистириў, сондай-ақ, халық, жаслар ҳәм балалар ушын сабақлық, қолланба ҳәм басқа әдебиятларды таярлаў сыяқлы ис-илажларды әмелге асырыў нәзерде тутылған.

Қолыңыздағы Ҳаял-қызларды кемситиўдиң барлық түрлерин сапластырыў ҳаққындағы Конвенцияның (төрт тилде: өзбек, рус, инглис ҳәм қарақалпақ) баспадан шығарылыўында онда белгиленген халықаралық стандартлар ҳәм ҳаяллар ҳуқықларына арналған қағыйда-

лардың түп мазмунын кең халыққа жеткизиў ҳәм де жәмийетлик турмысқа турақлы енгизип барыў мақсет етип қойылған.

Жуўмақлап айтқанда, Өзбекстан инсан ҳуқықлары тараўындағы реформаларды даўам еттириўди қоллап-қуўатлайды, бул болса гендер теңликти жақсылаўға ҳәм ҳаял-қызлардың ҳуқықларын ҳәм мүмкиншиликлерин кеңейтиўге  хызмет етеди.

**Акмал Саидов,**
**академик, юридика илимлери докторы,**
**профессор**

# ҲАЯЛ-ҚЫЗЛАРДЫ КЕМСИТИЎДИҢ БАРЛЫҚ ТҮРЛЕРИН САПЛАСТЫРЫЎ ҲАҚҚЫНДА КОНВЕНЦИЯ

Бул Конвенцияның қатнасыўшы – мәмлекетлери:

Бирлескен Миллетлер Шөлкеминиң Уставы инсанның тийкарғы ҳуқықларына, инсанның ар-намысы ҳәм қәдир-қымбатына, ер адам ҳәм ҳаяллардың тең ҳуқықлы екенлигине исенимниң қайта тастыйықлағанлығын есапқа алып,

Инсан ҳуқықлары дүнья жүзлик декларациясы кемситилиўге жол қоймаў принципин тастыйықлап, барлық адамлар өзиниң қәдир-қымбаты ҳәм ҳуқықларында еркин ҳәм тең болып туўылыўын, онда баян етилгениндей, ҳәр бир инсан ҳеш қандай айырмашылықларсыз, сондай-ақ, жынысына қарамастан барлық ҳуқық ҳәм еркинликлерге ийе болыўы кереклиги жәриялағанлығын есапқа алып,

Инсан ҳуқықлары ҳаққындағы халықаралық пакттиң қатнасыўшы –мәмлекетлерине ер адам ҳәм ҳаяллар ушын барлық экономикалық, социаллық, мәдений, пуқаралық ҳәм сиясий ҳуқықлардан тең пайдаланыў ҳуқықын тәмийинлеў ўазыйпалары жүклетилгенлигин есапқа алып,

ер адам ҳәм ҳаяллардың тең ҳуқықлы болыўына жәрдем бериў мақсетинде Бирлескен Миллетлер Шөлкеми ҳәм қәнигелестирилген мәкемелер қәўендерлигинде дүзилген халықаралық Конвенцияларды итибарға алып,

сондай-ақ, ер адам ҳәм ҳаяллардың тең ҳуқықлы болыўына жәрдем бериў мақсетинде Бирлескен Миллетлер Шөлкеми ҳәм қәнигелестирилген мәкемелер тәрепинен қабыл етилген резолюциялар, декларациялар ҳәм усынысларды есапқа алып,

бирақ, усындай түрли ҳүжжетлердиң болыўына қарамастан, ҳаял-қызларға қарата аўыр кемситилиў жағдайлары еле де бир қанша бар екенлигинен тәшўишленип,

ҳаял-қызлардың кемситилиўи инсан қәдир-қымбатына болған тең ҳуқықлылық ҳәм ҳүрмет етиў себеплериниң бузылыўына, ҳаяллардың ер адамлар менен бир қатарда өз мәмлекетиниң сиясий, социаллық, экономикалық ҳәм мәдений турмысында қатнасыўына тосқынлық жасаўын, жәмийет ҳәм шаңарақ абаданлығының өсиўине кесент бериўин ҳәм де ҳаял-қызлардың өз мәмлекетлери ҳәм инсаныяттың мәплери жолында мүмкиншиликлерин толық көрсетиўин жәнe де қыйынластырыўын еслетип,

кәмбағаллық шараятларында ҳаял-қызлардың азық-аўқат, денсаўлықты сақлаў, билим, кәсиплик таярлық ҳәм жумысқа жайласыў мүмкиншиликлери, сондай-ақ, басқа талаплардан пайдаланыў мүмкиншилиги жүдә кем екенлигинен тәшўишленип,

теңлик ҳәм әдилликке тийкарланған жаңа халықаралық экономикалық тәртиптиң орнатылыўы ер адамлар ҳәм ҳаяллар арасындағы теңликти тәмийинлеўде әдеўир жәрдем бериўине қатаң исенип,

расалық айырмашылық, барлық түрдеги расизм, расалық кемситиў, ески ҳәм жаңа колонизаторлық, агрессия, шет ел тәрепинен басып алыныў ҳәм ҳүкимранлық ҳәм де мәмле-

кетлердиң ишки ислерине араласыўды сапластырыў ер адамлар ҳәм ҳаял-қызлар ҳуқықларын толық әмелге асырыў ушын зәрүр екенлигин атап өтип,

халықаралық тынышлық ҳәм қәўипсизликти беккемлеў, халықаралық кескинликти жумсартыў, олардың социаллық ҳәм экономикалық системаларына қарамастан, барлық мәмлекетлер арасында өз ара шериклик, қатаң ҳәм нәтийжели халық аралық қадағалаў астында ғалабалық ҳәм пүткиллей қуралсызланыў, әсиресе, ядролық қуралсызланыў, мәмлекетлер арасындағы қатнасларда әдиллик, теңлик ҳәм өз ара мәпдарлық принциплерин қарар таптырыў ҳәм де шет ел ҳәм колония ҳүкимранлығы ҳәм басқа мәмлекетлер оккупациясы астында болған халықлардың өз тәғдирин өзи белгилеў ҳәм ғәрезсизлик ҳуқықын әмелге асырыў, сондай-ақ, мәмлекетлердиң миллий ғәрезсизлиги ҳәм аймақлық пүтинлигин ҳүрмет етиў жәмийетлик жетилисиў ҳәм раўажланыўға көмеклесиўин ҳәм де буның нәтийжеси ер адамлар менен ҳаяллар арасында толық теңликке ерисиў имканиятын бериўин тастыйықлап,

мәмлекеттиң толық раўажланыўы, дүньяда пәраўанлық ҳәм тынышлық барлық тараўларда ҳаяллардың ер адамлар менен теңдей мүмкиншилиги болғанша көбирек қатнасыўларын талап етиўине қатаң исенип,

ҳаял-қызлардың шаңарақ пәраўанлығы ҳәм жәмийет раўажланыўына қосып атырған ҳәзирге шекем толық тән алынбаған үлесиниң әҳмийетин, аналықтың социаллық әҳмийетин ҳәм де шаңаракта ҳәм бала тәрбиясында ата-ананың тутқан орнын есапқа алған ҳалда ҳаялдың нәсил даўамшысы сыпатындағы орны ҳаял ҳуқықларының кемситилиўине себеп болмаўын, себеби балалардың тәрбиясы ер адам ҳәм ҳаяллардың ҳәм улыўма жәмийеттиң биргеликтеги жуўапкершилигин талап етиўин аңлап,

ер адам ҳәм ҳаял арасында толық теңликке ерисиў ушын ер ҳәм ҳаялдың жәмийет ҳәм шаңарақта тутқан дәстүрий орнын өзгертиў зәрүр екенлигин тән алып,

ҳаял-қызлар ҳуқықларының кемситилиўин сапластырыў ҳаққындағы Декларацияда жәрияланған принциплерди әмелге асырыў ҳәм сол мақсетте бундай ҳуқықлар кемситилиўиниң барлық формалары ҳәм көринислерин сапластырыў ушын зәрүр ис-илажларды көриўге қатаң қарар етип,

